

ЎЗБЕКИСТОНДА "ПОЛИЦИЯ" ҲАҚИДА ҚОНУН ҚАЧОН ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ?

Ўзбекистонда милициянинг ўзи ноқонуний равишда фаолият кўрсатар экан, бундай шароитда фуқароларимиз ИИБ ходимидан ўзларини қандай ҳимоя қилишлари мумкин?!



Куни-кеча Сурхондарё вилоятининг Бойсун туман хокимиятида Ўзбекистон Республикасининг Сенатор ва депутатлари билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашув кун тартибида битта масала - "Жойларда қонун нормалари қандай бажарилмоқда?" масаласи кўрилди. Ушбу масала юзасидан Бойсун туман ИИБининг ходими, майор Шухрат Эсанов маъруза қилди.

"Мухтарам, сенатор ва депутатлар! Ўзбекистонда қачон "полиция", "миришаб", ёки бўлмаса, "милиция" тўғрисида қонун ишлаб чиқасизлар? Биз ҳозирги кунгача 1977 йилда собик Иттифок давридан қолиб кетган, милиция тўғрисидаги қонун билан ишлаб келмоқдамиз. Собик СССР парчаланиб кетганига ҳам 23 йил бўлди. МДХ давлатлари ичида Ўзбекистон ҳамон эски қонун билан ишлаб келмоқда. Россия, Қозоғистон ва бошқа МДХ давлатлари "уже" полиция тизимига ўтиб бўлди. Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини эълон қилганидан кейин, мен туман ИИБга ишга келганман. Уша вақтда "милиция" тўғрисида қонун қабул қилинади" деб айтилган эди. Ҳамма соҳаларда қонунлар қабул қилинди.

Эндиги навбат фақат милиция тўғрисида қонун қабул қилиниши керак..."

Тошкент шаҳридан келган сенатор ва депутатлар, миришабнинг маърузасини эшитиб бўлгач, "Ҳали бу масала кун тартибида кўйилган эмас. Ўзбекистон ИИБ бизларга талаб ва таклифлар билан киришлари керак.

Қолаверса, юқорининг махсус топшириғи бўлмагунча, бу масала кўриб чиқилмайди" деб жавоб берган "меҳмон" "меzbон"нинг афт-ангорига қараб, юзини буруштириб кўйди-да, залдан шахдам қадам билан чиқиб кетишди.

Энди шу ўринда савол туғилади. Хўш, Ўзбекистонда милиция тўғрисида қонун йўқ экан. Унда ИИБ ходими қайси қонунга асосланиб ишламоқда? Аввал милиция ходимлари ўзларининг касблари юзасидан қонун қабул қилишлари керак эди-ку? Ундан сўнг, бошқаларни шу қонунга бўйсидириш учун, "даъват" қилишлари мумкин. Афсуски...

Ўзбекистонда фаолият кўрсатиб келаётган ИИБ ходимлари ўзлари ноқонуний равишда фаолият кўрсатар эканлар, бу ерда қонун тўғрисида сўз бўлиши ҳам мумкин эмас. Энди бундай шароитда фуқароларимиз ИИБ ходимидан қандай ҳолатда ўзларини ҳимоя қилишлари мумкин?!

Биринчидан: Фуқарони ИИБга олиб кетишларидан олдин, ҳар бир фуқаро ўз ҳуқуқларидан келиб чиққан ҳолда, яъни Конституциявий талабларига кўра, унинг номи ва исми шарифи ёзилган (ИИБ, Прокуратура, МХХ) органларининг махсус штамп ва муҳр асосида "чақурув қоғози" (повестка) бўлиши шарт. Агар фуқаро "гумон" сифатида қўлга олинса, унда фуқарога нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 47-моддаси асосида суриштирувчи, терговчи, прокуратура ходимлари жиноят содир этганликда "гумон" қилиш юзасидан, дарҳол қарор чиқармоғи лозим.

(Давоми 2-саҳифада)

ҚУРЪОНИ КАРИМНИ ЎРГАНАЙЛИК

Сайтимизнинг ҳурматли ўқувчилари! Энди сиз сайтимиз орқали Қуръони Карим оятларининг ўзбекча маънолари билан танишишингиз мумкин!

(Давоми 3-Саҳифада)

ЎЗБЕКИСТОН ҲАМУЗ ҚАРЗГА БОТМОҚДА. ЧИҚИНДИ ТИЗИМИ УЧУН ЯРИМ МЛРД. ДОЛЛАР

Ўзбекистон маиший чиқиндиларни утилизация қилиш тизимларини модернизациялаш лойиҳасига Осиеъ тараққиёт банки (ОТБ)нинг 400 миллион долларлик кредитини жалб қилмоқчи, дея хабар тарқатди sa-news.org сайти.

(Давоми 3-Саҳифада)

ҚАДРИЯТЛАР МЕЪЗОНИ

Дунё кундан кунга ривожланиб ҳар турли янгиликлар, техникалар, кашфиётлар ўртага чиқишда давом этмоқда. Шулардан бири барчага маълум бўлганидек Фейсбук. Кўпчилик билан айни онда фикр алмашасиз, инсонлар тажрибасидан фойдалар оласиз.

(Давоми 4-Саҳифада)

ИСРОИЛНИНГ "БОШ ОҒРИҒИ"...

Исроил Ёқуб алайҳиссаломнинг иккинчи исмидир. Ёқуб алайҳиссалом Исҳоқ алайҳиссаломнинг ўғлидир.

Исҳоқ алайҳиссалом Иброҳим алайҳиссаломнинг ўғли ва Исмоил алайҳиссаломнинг бир отадан аммо онаси бошқа укасидир. Исмоил алайҳиссаломнинг онаси Ҳожар она, Исҳоқ алайҳиссаломнинг онаси эса Сора онадир. Аллоҳ бу инсонларнинг, уларнинг баъзилари пайғамбарлардир, барчасидан рози бўлсин.

(Давоми 5-Саҳифада)

АХЛОҚ ВА СИЁСАТ

Бугун Ўзбекистонда бошқарув тизими, ўзининг ресурсларини ўтаб бўлган ва чириган. Иш юритувчи ва бошқарув кадрлари, хизмат лавозимларини у ёки бу носоғлом йўللар билан эгаллаб олганлар. Яъни, пора бериш, хўжайинга "садоқатли" бўлиш, ошна-оғайнигарчилик усуллари билан.

Ёш кадрларни йўлланма билан ишга қабул қилиш фактлари ҳам онда-сонда учраб туради. Иш жараёнида, кадрларни интеллектуал савиясини ва профессионал даражасини оширишга қаратилган тайёрлов ишлари олиб борилмайди.

(Давоми 6-Саҳифада)

ЎЗБЕКИСТОНДА “ПОЛИЦИЯ” ҲАҚИДА ҚОНУН ҚАЧОН ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ?

(Давоми: Боши 1-саҳифада)

Шу ўринда савол туғилади. “Гумон” қилинувчи шахс ким бўлиши мумкин? “Гумон” остида қўлга олинган шахс – жиноят содир этгани тўғрисида маълумотлар бор бўлса-да, бу маълумотлар унинг ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишига жалб қилиш учун, етарли бўлмаган шахсдир.

Иккинчидан: Фуқарони ИИБга олиб кетишга тайёрланаётган милиция ходими, ўзини таништириши, ИИВазирлиги томонидан берилган, “гувоҳнома” сени албатта фуқарога кўрсатмоғи шарт.

Учинчидан: Милиция ходими фуқарони ИИБга олиб келганидан сўнг, фуқарони қайси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органида ушлаб турилгани тўғрисида унинг адвокати, ишончли вакили ёки, яқин қариндошларига хабар бермоғи мажбурийдир. Агар маълум қилмаса, ИИБнинг ходими Ўзбекистон Республикаси ЖПК ва бошқа қонунларни очикдан-очик оёқ-ости қилган бўлади. Ундай “ишчи” ходимга нисбатан чора кўрилмоғи даркор.

Агар фуқаро “жиноий иш” билан, “Айбланувчи” сифатида қўлга олинган бўлса, унда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 45 моддаси асосида айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши ҳақида қарор чиқарилиши керак.

Яна бир масала - “гувоҳ!” масаласидир. Жиноятни содир этган бўлса, унда “гувоҳ” деб топилган шахс жиноят юзасидан ўзининг кўрган-кечирганларини ИИБга айтиши мумкин. Ҳар қандай ҳолда ҳам, ҳар қандай шахс гувоҳ сифатида ўтиши мумкин.

Бироқ... Гувоҳ ўша фуқарони жиноят содир этганлигини рўй-рост айтиши ва ўз кўзи билан кўргани, “ушлагани” тўғрисида айтмоғи лозим. Бу ерда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 65 моддасига асосан иш тутилмоғи керак.

Тўртинчидан: “Маъмурий иш” ёки, “жиноий иш” очилишидан олдин, фуқарога суриштирувчи яъни терговчи, прокурор Ўзбекистон Республикаси Қонунларидан келиб чиққан ҳолда, фуқарога Ўзбекистон Республикаси МЖТКси ва ЖКнинг “шу-шу моддалари билан айбланмоқдасиз!” деб кўрсатма бермоғи керак. Ҳар бир фуқароимиз қайси моддалар билан айбланаётганлигини терговчи, прокурордан сўраб-суриштиришлари керак.

Чунки, ҳар бир фуқаронинг конституциявий ҳақ-ҳуқуқидир.

Бешинчидан: Фуқаро қилган жинояти юзасидан “тушунтириш хати” ёзиб бериш мажбурий эмас. Чунки, Ҳалқаро ташкилотларнинг қонунларида бундай ҳолатлар йўқ. Лекин Ўзбекистон қонунларида ҳали бу тўғрисида бирон бир сўз келтирилмаган. Собиқ Иттифок давридан қолиб кетган, «объяснения» фуқаронинг тақдирини ҳал қилолмайди. Яъни фуқаро мажбурий равишда “тушунтириш хати” ёзиб бериши мажбур қилинмайди.

Агар терговчи тушунтириш хати ёзиб беришни талаб қилса, унда фуқаро ўзига қарши “тушунтириш хати” бермаслиги керак. Терговчи “тушунтириш хати” ёзиб олиш учун, фуқарони қийноқ асосида мажбурласа, унда мансабдор шахсга нисбатан Ўзбекистон ЖКнинг 235-моддасида кўрсатилган талаблар бузилган бўлади. Қуч ишлатувчи орган ходимлари фуқарога нисбатан тергов давомида “қуч” ишлатса, унда фуқарога етказилган тан жароҳати хужжатлаштирилиб, тиббий кўриқдан ўтказилади. Бу тўғрисида фуқаро дарҳол адвокати ёки яқин-қариндошларига тиббий кўриқдан ўтганлиги тўғрисида хужжатни бериши мумкин.

Олтинчидан: Фуқаро ИИБнинг ёки терговчининг талабларига бўйсунмаса, унга нисбатан Ўзбекистон МЖТКсининг 194 моддаси 1 ва 2 қисми билан айбланиши мумкин. Яъни, “милиция ходимининг талабларини бажармагани учун...” деб жарима солинади. Бироқ... фуқаро 3,5,15 (сутка) гача “маъмурий қамок” жазосига тортилиши ҳам мумкин. Аммо... суднинг қарори асосида амалга оширилади. Лекин... Суд “иш” ида фуқаро ўзи содир этган жиноятини исботлаш учун, унинг ҳимоячиси далиллий ашёларга таянган ҳолда асослаб бермоғи керак. Фуқаронинг содир этган жиноятига нисбатан фақат одил суд “баҳо” беради.

Еттинчидан: Фуқарога нисбатан қўлланилган модда ва бандлар асосида тузилган “протокол” га имзо чекиш ва чекмаслик ҳам, фуқаронинг ихтиёридадир. Бунда адвокати ёки ишончли вакили иштирокида ҳамда гувоҳлар иштирокида “фуқаро протоколга имзо чекишдан бош тортди” деган мазмунда “далолатнома” тузилади. “Далолатнома” эса, фуқаронинг талабларидан келиб

чиққан ҳолда тузулмоғи даркор.

Саккизинчидан: Агар фуқаронинг “суриштирув” давомида содир этган жинояти аниқланган бўлса, унда Ўзбекистон ЖПКнинг 221-моддаси асосида 72 соат давомида ушлаб турилиши мумкин. Шунда ҳам, фуқаронинг юқорида қайд қилинган талаблари бажарилган бўлса. Фуқаронинг адвокати, ишончли вакили шу 72 соат ичида келмаса, унда фуқаро ўша худдуда ушланган жойнинг ўзида яъни прокуратура органларига ёзма равишда мурожаат қилмоғи лозим.

Тўққизинчидан: Агар фуқарога нисбатан “маъмурий иш” қўзғатилган бўлса, унда Ўзбекистон МЖТКсининг 283 моддасига кўра, 3 соат ичида ИИБга ушлаб турилиши айтилган. Бундан ортиқ ушлаб туриш қонунга зид ҳисобланади. 1992 йил Ўзбекистон Республикаси БМТга аъзо бўлиб кирган. Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига қўшилган. Демак Ўзбекистон Республикаси унинг барча талабларини тан олган. Шу декларациянинг 11-моддасида “Жиноят содир этилганликда айбланган ҳар бир инсон ҳимоя учун барча имкониятлар таъминланган ҳолда, очик суд мажлиси йўли билан унинг айби қонуний тартибда аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланишига ҳақлидир” дейилмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26 моддасида “Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча, у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиши учун барча шароитлар таъминлаб берилади. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон кадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас. Ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас...”

1996 йилда Ўзбекистон Республикаси томонидан фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги ҳалқаро пакт ратификация қилинди. Демак Ўзбекистон Республикаси ушбу хужжатда эътироф этилган ҳуқуқларни ўз худудида яшаётган барча инсонлар учун таъминлаш мажбуриятини олган. Фуқаролар ўз ҳуқуқларига риоя этилишини талаб қилишлари мумкин...



ҚУРЪОНИ КАРИМНИ ЎРГАНАЙЛИК

хукмларини) шартларига кўра бажаришга мукаллафдир. Бу ибодатлар ва муомалотлар ҳам Қуръони Каримда баён қилинган ва уларни бажариш иймоннинг шартидир. Яъни, уларни узрсиз бажармайдиганлар ўзларининг мўмин эканликларини исботлай олмайдилар.

Иккинчи ҳақиқат, Шайтон инсонларни бошлаган турли бутпарастлик (ширк), куфр ва нифок (мунофиқлик) йўлларини рад қилиш. Бу Аллоҳ таолога иймон келтиришнинг мутлақ шартидир. Қуръони Каримнинг Бақара сураси 256 оятида “Қимки тоғутни рад қилса, Аллоҳга иймон келтирган бўлади”, дея марҳамат қилинади. Тоғут эса инсонлар Аллоҳ таолодан бошқа ибодат ва итоат қиладиган барча нарсалардир (сохта илоҳлардир). Демак, Қуръони Карим инсонларга уларнинг ягона Рабби ва Илоҳи Аллоҳ таолони танитиш билан бирга ботил йўл ҳисобланган ширк, куфр ва нифок (мунофиқлик) йўлларини ҳам танитади. Бутларнинг энг хавфлиси эса инсонларни ички томондан асир олган олган ҳавойи нафс бутидир. Аслида Аллоҳ таоло илк инсон Одам (а.с.) ни яратгандан кейин юборган барча пайғамбарлари фақат бир илоҳий ҳақиқатга инсонларни даъват қилган: “Эй Инсонлар, Аллоҳдан бошқа Илоҳларга ибодат ва итоат қилманглар, сохта илоҳларни ва уларнинг тузумларини рад қилинглар”. Бу ҳақда Анбиё сурасининг 25 оятида шундай марҳамат қилинади:

“Сиздан илгари юборган ҳар бир Пайғамбарга: «Албатта, Мендан ўзга ибодатга сазовор илоҳ йўқ. Бас, Менга ибодат қилинг», деб ваҳий қилганмиз.” (Анбиё сураси 25)

Учинчи ҳақиқат эса, мана шу “Лаа илоҳа Иллаллоҳ” ақидасида Муҳаммад (с.а.в.) га эргашишдир. Яъни, бу ақидага пайғамбаримиз каби ишониш, ва уни шахсий ва ижтимоий ҳаётга Муҳаммад (с.а.в.) ўрнатганлари каби тадбиқ қилишдир. Бу Қуръони Каримнинг

энг асосий ҳақиқатларидан биридир. Чунки Аллоҳ таоло Муҳаммад (с.а.в.) ни охириги пайғамбар сифатида танлаб олган ва У Зотга (с.а.в.) Қуръони Каримни нозил қилган. Шунинг учун ҳам Қуръони Каримнинг Азҳоб сурасида Муҳаммад (с.а.в.) мўминлар учун ягона ўрнак сифатида зикр қилинган. Шу билан бирга Аллоҳ таолонинг Ўзининг охириги каломиди Муҳаммад (с.а.в.)нинг инсониятга танитган ҳамдир. Яъни, пайғамбаримизнинг Аллоҳнинг охириги пайғамбари эканлиги, У Зотнинг (с.а.в.)нинг олий ахлоқ эгаси эканликлари, мўминларни ўз жонларидан ҳам яқин кўришлари каби ҳақиқатлар Қуръоний ҳақиқатлардир.

Мана шу уч ҳақиқатни тушуниб тушуниб етган кишилар учун Қуръони Каримни ўқиб ўрганиш жуда қулай бўлади, инша Аллоҳ. Шу билан бирга Қуръони Карим бошқа ҳақиқатларни ҳам, масалан инсоният ва пайғамбарлар тарихи, охират кунининг ҳақиқатларини баён қилиб беради. Қуръони Каримнинг илми чегарасиздир ва бутун замонларда инсонлар бу илмга тўймай, давомли унга муурожаат қилишларининг сабаби ҳам шундандир.

Қуръони Каримни ўрганишда тараққий қилишни истаганлар албатта уни асл ҳолида ва араб тилини ўрганган ҳолда ўқишлари мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, Қуръони Каримни жамоат ҳолида, унинг илмини яхши ўзлаштирган илм аҳллари даврасида ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Сўз охирида Илоҳий Китобимизнинг асосий ҳақиқатани яна бир марта эслатмоқчи эдик:

“Эй инсонлар, шайтон сизларга ясатган бутларга ибодат ва итоат қилишдан воз кечингизлар, ягона Роб ва Илоҳ сифатида Аллоҳ таолога бандлик қилингизлар ва бу муқаддас ишда Муҳаммад (с.а.в.)га тобеъ бўлингизлар!”

Аллоҳ рози бўлсин!

Намоз Нормўмин

ЎЗБЕКИСТОН ҲАМУЗ ҚАРЗГА БОТМОҚДА. ЧИҚИНДИ ТИЗИМИ УЧУН ЯРИМ МЛРД. ДОЛЛАР



Ўзбекистон маиший чиқиндиларни утилизация қилиш тизимларини модернизациялаш лойиҳасига Осиёт тараққиёт банки (ОТБ)нинг 400 миллион долларлик кредитини жалб қилмоқчи, дея хабар тарқатди са-news.org сайти. Умумий қиймати 500 миллион долларга тенг мазкур лойиҳага кўра, Тошкент ва мамлакатнинг саккизта ҳудудидида қаттиқ маиший

чиқиндиларни утилизациялаш тизимларини замонавийлаштириш кўзда тутилган. Лойиҳага давлат бюджетидан 100 миллион доллар ажратилади. Лойиҳа доирасида чиқиндиларни қайта ишлаш корхонаси қурилади, чиқиндиларни йиғадиган машиналар паркни янгиланади, қуриқланадиган чиқинди йиғиш майдончалари барпо этилади.

2013 йилнинг баҳорида лойиҳа Осиёт тараққиёт Банки раҳбарияти томонидан кўриб чиқиши кутилмоқда. Ҳар йили Ўзбекистонда 100 миллион тоннадан ортиқ саноат ва 35 миллион тоннага яқин маиший чиқиндилар йиғилади. Умумий майдони 12 минг гектарга тенг чиқиндихоналарда 2 миллиард тоннадан ортиқ саноат, қурилиш ва маиший чиқиндилар бор.

Сайтимизнинг ҳурматли ўқувчилари! Энди сиз сайтимиз орқали Қуръони Карим оятларининг ўзбекча маънолари билан танишишингиз мумкин!

Маълумки, Аллоҳ таоло Қуръони Каримни араб тилида нозил қилган ва оятларни фақат маъно эътибори билан таржима қилиш мумкин. Шунинг учун ҳам бу таржималарга “ўзбекча Қуръон” ёки бошқа тилдаги Қуръон, дейилмайди.

Қуръони Карим илоҳий, буюк мўъжиза Китобидир. Уни кўришни Роббимиз Ўзига олган. Бу ҳақда Ҳижр сурасининг 9 оятида марҳамат қилинади. Шунингдек, Қуръони Карим оддий китоблардан фарқ қиладди ва уни ўрганиш ҳам албатта фарқлидир. Бунинг учун Қуръони Каримнинг асосий ғояси, буни Илоҳий Китобимизнинг калити ҳам, дейишимиз мумкин, ўрганиш лозим бўлади. Бу ғоя, бу калит “Лаа илоҳа иллааллоҳ, Муҳаммадун Расулуллоҳ” калимасида ифодаланган ҳақиқатдир. Бунга кўра Қуръони Каримни ўрганишни истаган киши уч ҳақиқатдан йўлга чиқиб, Илоҳий Китобимизга муурожаат қилиши керак бўлади:

Биринчи ҳақиқат, Аллоҳ таолонинг ягона Раб ва Илоҳлиги ҳақиқатидир. Чунки Аллоҳ таоло бутун махлуқотнинг Яратувчиси, Ризк берувчиси ва Подшоҳидир. Шунинг учун ҳам инсонлар фақат ва фақат Аллоҳ таолога иймон келтириб, Унинг Ўзигагина бандлик қилишлари керак бўлади. Бунинг учун эса инсонлар аввало Аллоҳ таолони Қуръони Каримда таърифлангани каби саҳиҳ асосларга кўра таниб олишлари зарурдир. Демак, Қуръон аввало инсонларга уларнинг ҳақиқий Рабби ва Илоҳини танитади. Шунингдек, Аллоҳ таолога иймон келтириш Унинг фаришталарига, Китобларига, Пайғамбарларига, Охират кунига ва яхшиликнинг ва ёмонликнинг қадарда эканлигига иймон келтиришни ҳам тақозо қиладди. Булар иймоннинг асослари бўлиб, Аллоҳ таолога иймон келтиришнинг шартлари ҳамдир. Чунки фақатгина Аллоҳнинг борлигига иймон келтириб, масалан унинг Пайғамбарлари ва Китобларига иймон келтирмаслик, инсонни иймон соҳиби бўлиш каби юксак даражага олиб чиқмайди. Аллоҳ таолога мана шундай тўғри шаклда иймон келтирган киши Қуръони Каримда мўминларга фарз қилинган ибодатларни (намоз ўқиш, закот бериш, рамазон рўзасини тутиш, ҳажга бориш каби) ва муомалотларни (Исломнинг ижтимоий ва ахлоқий

Дунё кундан кунга ривожланиб ҳар турли янгиликлар, техникалар, кашфиётлар ўртага чиқишда давом этмоқда. Шулардан бири барчага маълум бўлганидек Фейсбук. Кўпчилик билан айна онда фикр алмашасиз, инсонлар тажрибасидан фойдалар оласиз. Олдинлари бир синфда ўқиб танишиб дўстлашиб, фикрлашиб 10-15 киши ўртоқлашса энди эса ер курагининг қайси бурчагидаги инсон билан фикрлашишни истасанг унга осонгина етиша олиш имкониятлари мавжуд. Ажабо дунё биз ўйлагандан анча кичик бўлиб қолдими?!

Йўловчилик килиб бошқа бир шаҳарга сафарга кетар эканман телефонимга кўз отиб қисқа хатларни бир-бир ўқиб чиқдим. Латин алифбосида ёзилган қисқа бир эслатма хатни кўпчиликка фойдаси тегар дея ўша заҳоти Фейсбукга оширдим. Бир қанча муддат ўтар ўтмас Фейсбук иштирокчиларидан биридан эътирозона бир мактуб келди. Иштирокчи мактубини ўқиб ажабландим, бир томондан хурсанд ҳам бўлдим. Чунки унинг мактуби менга мана шу ҳақиқат томон ақл эгаларини жалб қилишга ундади.

Мактубда “Бизнинг 7 асргача (7-асгача демокчи бўлса керак ўзгартирилмади) бўлган, кейинчалик унутилиб кетилган, унуттирилган биронта удумимизни тиклашга чақира оласизми?” деган жумла диққатимни чекди.

Хар бир инсон ҳаётида қандайдир ғояни олдинга суриб яшайди, ғоясиз яшаётганлар эса жуда оз бўлмасда ҳамма жамиятда ҳам, барча дунёқарашда танқид қилинади. Чунки ғоясиз ҳаёт бошқарувчиси бир кема бабки, денгизнинг қайси бурчагида қайси замонда чўқишини ҳеч ким билмайди.

Фейсбукда танишган акаимизнинг ғоя максадлари, исломий тушунчалари-ю, бу масалани кўзгадан бўлган максадлари мени қизиқтирмасда, мен баъзи саволларга жавоб қидиришга киришдим.

Шу сўзни “удумимизни тиклаш” деганда нимани қасд қилди? Удумларимизни тиклаш керакми? у шунчалар аҳамиятлими? Агар аҳамият қасб қилса, бинобарин тикланса ҳаммаси тикланадими уни қайси тарози ўлчаб беради? ҳақиқат ёки яхши-ёмонлигини ким белгилайди? Совет иттифоқида тарбия олиб, ўзининг 1300 йиллик саодатли тарихини унутиб ундан олдинги тарихимиз эсига тушиб юрганлар реал ҳал қилиб бера оладими? Бу удумларнинг яхши ёки ёмонлигини ўлчаб бера оладими? Хўп, мендан бу удумларга чақириш талаб қилинди. Нега энди айнан 7-асрга бўлган удумларимиз. Ундан олдинги удумларимизчи? Бунинг мезони нима? Нега энди мусулмонларнинг 1400 йиллик ҳаётлари нуридан баҳра олиб, уларнинг маданиятларидан нусха олиб кун кўриб келган руслар 70-80 йилда бизга қанча-қанча нарсаларни сингдириб юборадию –жумладан бизни 1300 йиллик ўз тарихидан норози бўладиган қилиб ташлайди-ю, биз эса 1300 йил бизга сингиб келган ва бизнинг минг йиллик тарихимиз деб фахрланишга арзийдиган кадриятларимиз ҳамда тарихимизни унутиб 7-асргача бўлганларини эслаб қолдик? 7-асргача бўлган тарихимиздан топганларимиз 1300 йил асносидан эришган хайротимизга алмаштишга арзийдими?

Тарихда минтақамиздаги Олимлардан истаганингизни номини зикр қилинг.



Бутун дунёга машҳур олимлар, жумладан Имом Бухорий, Термизий, Хоразмий ва бошқа олимлар ҳаммаси 7-асрдан кейин бизга Ислому нури келгандан кей-

ҚАДРИЯТЛАР МЕЪЗОНИ

ингина чиққан. У олимлардан бири келиб бизнинг Фейсбукдаги тарғиботларимизга кўзи тушса “Ҳой.. нонкўрлик қилманглар, нима яхшиликка эришган бўлсанг, мана шу нур-Ислому нури келгандан кейин эришдингку! Биз ҳам илмимизни мана шу Исломдан ўргандик. Ислому билан азиз бўлдик” – деб хитоб қилмасмикин. Ҳақиқат ҳам аслида шуда. Бир дона Самарқанд шаҳрида қанчадан қанча олим ўтди. “ал-Қанд фий уламаи Самарқанд” (Самарқанд олимларидаги қанд) деган қатга мужалладлик, камида 500 бетлик бир дона китобда фақат Самарқанд олимларининг номи саналган. Бу китобдаги олимларни ҳозирда Самарқанд, Тошкенту умуман мовароуннаҳр аҳолиси зиёлилари танимаса ҳам, уларни дунёдаги олимлар яхши танишади. Дунё музейларидаги ва кутубхоналаридаги уларнинг қўлёзма асарлари бунга гувоҳ. Дунё университетларида одамлар Мовароуннаҳр олимлари ҳақида кандидатлик, докторлик ёқлайман деб бош қотириб ётипти.

Хўш удумларимизга қайтишга келсак. Энди бош қотирайлик. Қайси удумга қайтамиз? Зардуштлиқками? Оташпарастликками? Қуёшга сиғинайликми?

Албатта буларнинг мезони бор бу саволларнинг жавоби бор. Биз ота бобомизни хурмат қиламиз, улар танлаган йўлдан борамиз. Ҳа улар 7-асргача бўлган удумларини қайси мезонда ўлчаб улардан ўзларини халос қилган бўлса, биз ҳам айнан ўша йўлдан юрамиз. Бизнинг удумларимиз ота-бобомиз танлаган йўл Ислому йўлидир. Демак, кўриниб турибдики биз удумларимизни хурмат қилишда баъзилардан устунмиз. Улар биринчи ўринда Оллоҳнинг тавфиқи, сўнгра Оллоҳ уларга берган ақллари туфайли 7-асргача бўлган удум-пудумларини барчасини Ислому алмаштирдилар. 1300 йилдан кейин келиб 21-асрда биз уларнинг Ислому динини танлаб хаго қилганларини исбот қилишга уринамизми?!

Юқоридаги савол ўз-ўзидан такрорланиши табиий ҳол. Қайси мезонда танлаймиз? Хўп, 7-асрдан олдинги удумларимизчи?

Бу саволга жавобан айтаемизки, ҳа биз 7-асрдан ҳам олдинги удумларимизга қайтмоғимиз керак. Чунки ота бобомиз 7 аср давомида ўзгартириб юборган ёки аслида умуман қандай удумга амал қилиши кераклигини ҳам билмаган бўлсачи. Шунинг учун биз ундан олдинги удумимиз, ҳа, модомики одам боласи эканмиз, ўз удумимиз Одам алайҳиссалом удумига қайтмоғимиз мантиққа яқин.

Отамиз Одам алайҳиссалом удумини факт сифатида ёритиб берган ягона манба эса Қуръони Каримдир. Айлиниб калаванинг учи яна бизнинг 1300 йиллик Ислому тарихимизга келиб тақалди. Энди эса ақл эгалари тарихимиз деганда 1300 йиллик

тарихдан олдинги тарихимизни эслашлари мутлақо янглиш ҳисобланади. Ўша биз уларни эслашга уринган 7-асрдаги ота-боболаримиз Одам отадан қолган удумга қайтиш ниятида Исломуни тарғиб этдилар. Биз унга интилаётган удумлари нотўғри экани, улар Одам ота йўлидан адашиб кетганларини пайқадилар.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки жоҳилиятдаги арабларнинг ҳам яхши сифатларига иқрор бўлиб ёмонликларидан қайтарган Ислому, бизнинг удумларимизни бирварақайига барчасини рад этмаган. Чунки у Одам ота замонидан бугунги кунимизга қадар инсонларни фақат эзгуликка чорлаган. Вақт ўтиши билан инсонлардаги ўзгариш, йўлдан озийш ва адашишларни эса тузатиб келган. Бизнинг удумларимиз эса одам боласи юрган узун йўлнинг қайси бир поғонасида ҳосил бўлган бир амаллардир. Энди унинг тўғри ёки нотўғри эканини бизга Одам отани яратган, унга тўғри йўлни кўрсатган, пайғамбарлар жўнатган меҳрибон ва раҳимли Оллоҳ таоло кўрсатади. Демак биз удумларимизни Оллоҳнинг китоби Қуръон, ва унинг шарҳи бўлган суннат билан ўлчаймиз. Мутлақо тўғри натижа берадиган мезонимиз ва мутлақ ҳақиқат ҳам шулардир.

Бизнинг маънавий озукамиз, айни вақтда ҳақиқий қувватимиз бўлган Қуръондан ва унга оборадиган воситадан араб харфидан ҳам ажратиб ташлаш илинжида, душманларимиз алифбозимизни ўн йил ичида (1928-1938 йилларда) икки марта лаб ўзгартирди. Натижада арзимаган йиллар ичида бизни удумларимиздан осонликча айирди. Улар бизни шундай бир даражага олиб бора олдики, натижада бизга ўз удумимиз-шариатимиз эриш туюла бошлади, саҳналарга чиқиб масҳара қилдик, уни эскилик салқитлари деб номладик, қадоҳларни уруштириб ичиб ҳайвон каби юмалаб қолишни эса маданият деб қабул қилдик. Бу зарбаларнинг асаридан ҳозиргача жамиятимиз оғриқдан ингримоқда, боши айланган касал каби оғир-оғир қадам босмоқда.

От айланиб қозигини топади деганларидек миллатим ҳам айланиб ҳақиқатни топишига ишонаман, топмоқда ҳам.

Оллоҳга минг шукроналар бўлсин. Баъзан қулоқларга чалинган гап бор “7-асрларда бизнинг диёримизна араблар босиб олган ва улар... ва улар...”. Минг афсуслар бўлсинки баъзи ўзбек миллатига мансуб мусулмон фарзанди арзимаган йиллар рус таъсирида қолиб мана шундай бўхтон сўзларни баралла айтади. Ҳақиқат шуки улар босқинчи эмас элчилар эди. Улар бизга нур келтирди. Улар бизни Одам отамиз удумларига қайтарди. Ҳа, Улар Оллоҳнинг элчилари эдилар.

Эй ўзбек халқим! Билиб қўйки Қуръон сен учун тушди. Оллоҳ унда сен ўзбекка хитоб қилди. Оллоҳнинг бу ҳақ рисоласи эса бизга қайси тилда келмасин, қайси миллат келтирмасин бизнинг бошимиз устидадир, қўзимизга тўтиёдир.

Яна жоноҳон халқимга азиз миллатимга қараб айтаман.

Халқим!!! Сен мусулмонсан. Ота бобонг Ислому билан азиз бўлди сен ҳам фақат у билангина азиз бўласан. Сендан олдин бу ҳақиқатни идрок қилган, ёпирилиб ўзлигига қайтаётган дунё қарвони ортидан қолма.

Умар Абдулхалик



Исроил Ёқуб алайҳиссаломнинг иккинчи исмидир. Ёқуб алайҳиссалом Исҳоқ алайҳиссаломнинг ўғлидир. Исҳоқ алайҳиссалом Иброҳим алайҳиссаломнинг ўғли ва Исмоил алайҳиссаломнинг бир отадан аммо онаси бошқа укасидир. Исмоил алайҳиссаломнинг онаси Ҳожар она, Исҳоқ алайҳиссаломнинг онаси эса Сора онадир. Аллоҳ бу инсонларнинг, уларнинг баъзилари пайғамбарлардир, барчасидан рози бўлсин. Булар ўз замонининг мўмин мусулмонлари эдилар. Аллоҳнинг Ҳақ динини (тавҳид) динини ер юзига ёйиш ва ҳоким қилиш учун курашган эдилар...

Бани Исроил Куръонда яҳудийларга берилган исмдир, Исроилнинг (Ёқубнинг) ўғиллари, деган маънони билдиради. Бани Исроил Аллоҳ таоло ичларидан кўплаб пайғамбарлар танлаб олган бир қавмдир. Исҳоқ (ас), Юсуф (ас), Мусо (ас), Довуд (ас), Сулаймон (ас), Закариё (ас), Мусо (ас), Ййсо алайҳиссаломлар шулардандир. Таврот (Мусо алайҳиссаломга), Забур (Довуд алайҳиссаломга), Инжил (Ййсо алайҳиссаломга) каби ҳозирда асли ўзгартирилган илоҳий китоблар ҳам Бани Исроилнинг пайғамбарларига туширилган.

Яҳудий исми Ёқуб а.с нинг тўртинчи (баъзи ривоятларда биринчи) ўғлининг “Йуда” ёки “Яҳудо” исмидан олингандир. (каранг: http://www.sevde.de/islam_Ans/islam_ans.htm). Яҳудийлар тарихда энг катта ғожаёлари бошдан кечирган қавмлардан биридир. Масалан, улар бир вақтлар узок муддат Мисрда Фиръавнларнинг қуллари сифатида яшаган, кейин Аллоҳ таоло уларга Мусо (ас) ни пайғамбар қилиб юборган ва бу пайғамбар мўъжизавий шаклда Бани Исроилни Мисрдан муқаддас тупроқлар, яъни ҳозирги Фаластин ерларига олиб келганди. Яқин тарихда эса яҳудийлар ўз ижодининг, яъни замонавий фашизмнинг қурбони бўлган ва немис фашисти Ҳитлер томондан қатлиом қилинганди.

Бани Исроил Аллоҳ таоло билан тузган аҳдларига вафо қилмагани, баъзи пайғамбарларни ўлдиргани, ҳазрати Марямга бўҳтон қилгани ва доимо ер юзиде фитна фасод чикаргани учун Аллоҳнинг ғазабига дучор бўлган қавм ўрнида кўрилади. Шунга қарамасдан яҳудийлар ўзларини танланган қавм дейдилар. Бунга кўра яҳудийлар Аллоҳнинг наздида устун қавм қолган

миллатлар эса яҳудийларга хизмат учун яратилган инсонлардир.

Сионизмнинг асосий ғояси мана мақсадни амалга оширишдан, яъни яҳудийларнинг Фаластин тупроқларига ерлашиб, дунё ҳокимиятини қўлга киритишдан иборатдир. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Бани Исроилнинг бу мақсадга эришганини айтишимиз мумкин. Сионизмдан фарқли ўлароқ семитизм яҳудий халқининг миллийлигини билдирувчи терминдир. Семит қадимда Ўрта Шарқда

ИСРОИЛНИНГ “БОШ ОҒРИҒИ”...

яшаган халқларнинг умумий сифати бўлиб, ҳозирда араблар, яҳудийлар ва суронийлар семит халқларини тамсил қиладилар. Сионизмга қарши туриш билан семитизмга қарши туриш орасида албатта фарқ бор. Чунки инсонларга миллий мансублигига қараб баҳо бериш, кўкка кўтариш ёки ерга уриш ирқчилик аломатидир. Масалан, саҳобалардан Абдуллоҳ ибн Салом, пайғамбаримизнинг аёлларидан ҳазрати Сафия яҳудий миллатига оид эдилар...

Яҳудийларнинг ер юзидаги ҳукмронлиги масаласига келадиган бўлсак, бу ҳақиқатан ҳам яҳудийларнинг инсоният ичида устунлиги туфайли эмас, аксинча бунга олиб борадиган воситалар (ғоялар ва усуллар) туфайли амалга оширилгандир. Бани Исроилнинг давомли ўлароқ Аллоҳ билан тузган аҳдларини бузиб келганликларини юқорида таъкидладик. Яъни яҳудийлар ўзларига юборилган пайғамбарлар келтирган имон йўлини тарк қилиб бунинг ўрнига ўзлари танлаган йўллар билан инсониятни ўзига бўйинсундиришнинг чораларини излагандир.

Сўнгги икки асрда ўртага чикқан фашизм ва материализм (капитализм ва коммунизм) яҳудийлар ижод қилган мана шундай йўллардандир. Фашизм ғояси иккинчи жаҳон урушида жуда кўп халқлар қатори яҳудийларнинг бошига ҳам катта фалокатлар келтирган бўлса, коммунизм советлар раҳбарларлигидаги халқларни бир аср давомида инсон фитратига зид тараққиёт йўлида сарсон сарғордон бўлишига олиб келди. Фақат капитализм (моддапарестликнинг атеизм ёки секуларизм билан иттифоқи) йўли яҳудийлар истаган натижани берди ва улар аввало АҚШнинг сиёсатини бошқариш, бу орқали Оврупоини ўзига эргаштириш ва Ислоом дунёсини асир олиш билан дунёдаги навбатдаги ҳокимиятини қўлга киритдилар...

Пул, тахт (ҳокимият) ва жинсий айшу ишратга асосланган ҳозирги дунё тузуми ҳеч шубҳасиз яҳудийларнинг ижодидир. 20 асрнинг иккинчи ярмидан ушбу асрнинг охиригача мана шундай дунё салтанати ер юзида ҳукмрон бўлиб келди. Бу орада яҳудийлар Фаластинда ўз давлатини курдилар ва Фаластинликларни она тупроқларидан

кувиб чикардилар. Натижада 4 миллионга яқин Фаластинликлар муҳожир бўлиб дунёнинг турли бурчакларига тарқаб кетишга мажбур бўлдилар. БМТнинг Фаластин тупроқларида икки мустақил давлат, яъни Исроил ва Фаластин давлатларини куриш режаси эса амалга ошмай қолди. Зеро, ҳозирда ҳам бу тупроқларда аниқ бир давлатнинг мавжудлигини айтиб бўлмайди. Чунки Исроил расмиётда мустақил давлат бўлсада, унинг ҳудудлари белгиланмаган ва дунё жамоатчилиги

Исроил ҳудудларини 1967 йилда содир бўлган Исроил араб урушидан олдинги ҳудудларга бўлиши кераклиги ҳақида ҳамфикрдир...

21 асрнинг бошланиши билан инсоният тарихида янги жараёнлар ҳам бошланди, дейишимиз мумкин. Материализмнинг салбий таъсиридан чарчаган дунё аҳли, энг аввало мусулмон дунёси ўзлигига (моддапарестлик (материализм) ва охирапарестлик (роҳиблик) орасидаги ўрта йўлга) қайтиш томонга қараб жиддий қадамлар ота бошлади. Натижада Туркия, Миср, Фаластиннинг Ғозза минтақаси, Тунис, Йемен, Ливия, Морокка каби давлатларда бу йўналишда жиддий одимлар отилди. Бу давлатлар билан Исроилни табиий қуршовда тутган Урдун (Иордания), Ливан, Саудия Арабостосни, Кувайт давлатлари ҳам ўзгаришлар остонасида турганлигини айтишимиз мумкин. Исроилнинг яна бир қўшниси Сурияда ўзгаришлар томон интилиш бўлсада, дунёни бошқараётган кучлар (уларнинг асосий қисми Исроил таъсиридадир) Сурияда янги режимнинг моҳияти ҳақида бир қарорга кела олмагани учун, бу интилиш ҳозирча натижа бергани йўқ. Аммо тошнинг ўрнидан қимирлагани, яъни яҳудийлар курган дунё тузумининг остига сув кета бошлагани инкор қилиб бўлмайдиган бир ҳақиқатдир. Янги дунё тузуми қандай асосга эга бўлишини ҳозирдан айтиш қийин. Чунки ҳали кучлар қайтадан шаклланди ва БМТ дейилган ташкилотнинг тақдири ҳам ҳали маълум бўлмади...

Исроилнинг Фаластиннинг Ғоззо минтақасига ҳужуми бу давлатнинг янги шартларда жуда қийин аҳволда қолганини кўрсатувчи бир далилдир. Исроил бу билан ўзининг ҳали ҳам дунё ҳукмдори эканлигини кўрсатишга уринаётган бўлсада, бу ҳужум Ислоом дунёсида ва бошқа эзилган халқлар наздида янада кўпроқ норозиликларнинг туғилишига сабаб бўлади. Бу эса ўз ўрнида Ўрта Шарқда табиий қуршовда бўлган Исроилнинг аҳволини янада оғирлаштиради. Зотан, дунёдаги иқтисодий бўҳрон мусулмон бўлсин, бўлмасин ҳозирги дунё тузумидан норози бўлганлар жаҳҳасини кучайтирмақда...

Бугун Ўзбекистонда бошқарув тизими, ўзининг ресурсларини ўтаб бўлган ва чириган. Иш юритувчи ва бошқарув кадрлари, хизмат лавозимларини у ёки бу носоғлом йўллар билан эгаллаб олганлар. Яъни, пора бериш, хўжайинга “садоқатли” бўлиш, ошна-оғайнигарчилик усуллари билан. Ёш кадрларни йўлланма билан ишга қабул қилиш фактлари ҳам онда-сонда учраб туради. Иш жараёнида, кадрларни интеллектуал савиясини ва профессионал даражасини оширишга қаратилган тайёрлов ишлари олиб борилмайди.

Профессионализм масалаларини ечишни инobatга олмаган меҳнат коллективларида, иш жараёни ўзининг ўзаро боғлиқлигини йўқотади ва процессда эффект йўқолади. Натижада, коллективлар аввало турғунликка ва кейинчалик эса инкирозга дучор бўлаверди. Ўз атрофида носоғлом коллективни барпо қилишдаги, Каримовнинг профессионал усуллари бошқа субъектларга ҳам ибрат бўлаяпти. Носоғлом коллектив, Каримовнинг ишида, унга бир томонлама осойишталик туғдиради. Чунки, носоғлом жамоада, катта раҳбар олдида ҳақиқат учун бахслашмайди ва курашмайди. Каримовдай шахсга айнан шуниси керак. Каримов бошқарувда ўзининг тубандаги қоидаларига ҳам таянади:

*-Ўзининг асосий фикрлари ечимига ҳеч кимни аралаштирмаслик;
-ОАВда фаровонлик, ривожла-*

АХЛОҚ ВА СИЁСАТ



ниш, инсон ҳақлари шахсан Каримовнинг ташаббуслари билан қўлга киритилган ютуқлар экани;

-Келажаги буюқ давлатнинг пойдевори, Каримов томонидан аллақачон қурилганлиги;

-Каримов танлаган идеологиянинг бенуқсонлиги ва унинг жамиятда юксак самара бераётгани;

-Дунё иқтисоди ва сиёсати учун, Ўзбекистоннинг қатор тажрибалари ибрат бўлаётгани, халқ оммасига кеча-кундуз тарғиб қилинаёпти.

Ўзбекистоннинг бугунги иқтисодий ва ижтимоий аҳволини тушунган ҳар бир инсон, Каримовнинг бу қоидаларини жуда бўлмаганда ахлоқсизлик, деб тушунган бўлар эди. Чунки, одамларнинг кўз ўнгиде йўқни бор дейиш, борни йўқ дейиш учун одам одобсиз бўлиши керак. Дунёда бўлиб ўтаётган аксарият низо ва тўқнашувларнинг асосий

сабаби, ахлоқсизликдир. Каримовнинг бошқарувда йўл қўяётган бу ахлоқсизлик қоидалари, жамиятнинг ривожланиш қонунларига мутлақо зид нарсадир. Шунинг учун ҳам, ахлоқий нормаларга таянмаган биздаги сиёсий ва иқтисодий тизим ўз кучини йўқотаяпти.

“Катта”нинг буйруғини сўзсиз ва ортиги билан бажариш, унинг гапидан четга чиқмаслик ва бошқанинг гапига кирмаслик қоидалари секин-аста истеъмолдан четда қолаяпти. Режимда аллақачон бўшлиқ пайдо бўлган. Бўшлиқ пайдо бўлган жойда, албатта уни тўлдирадиган бошқа бир ҳаётий факт пайдо бўлади, деб уқтирарди Каримов.

Ҳикмат шундаки, Каримов зулми, жамиятнинг барча қатламларида, фуқаролар қалбининг тубида, келажакка умид учкунларини пайдо қилаёпти. Зеро, фуқаролар ҳукмдорларга ишончини йўқотган жамиятда, албатта, АЛЛОҲга ишонч пайдо бўлажак. ИНШОАЛЛОҲ.

Бу яралган дунё, Яратганнинг иродаси билан ўз ибтидосидан интиҳосига қараб ҳаракат қилаёпти. Бу ҳаракатидан уни ҳеч ким, ҳеч қачон тўхтата олмайди. Каримовнинг қоидалари ҳам, ўзи ҳам бу дунёда ўткинчи бир нарсадир.

Бизнинг мамлакатда тез фурсатда адолат қарор топажак.

Джуманиязов Н. Р.
ЭРК ДП аъзоси.
Тошкент

uzbekistanerk.com

ЎЗБЕК ФЕРМЕРЛАРИ УЮШМАСИ ИШ БЕРМАДИ. ЭНДИ КЕНГАШ ФЕРМЕРНИ ЭРКИН ҚИЛОЛАДИМИ?



Ўзбекистонда Фермерлар Кенгаши ташкил этилган.

Тошкентга бутун республикадан фермерлар йиғилганлар ва улар “Асака жилоси” фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони Содиқжон Турдиевни Ўзбекистон Фермерлар Кенгашининг раиси этиб сайлаганлар.

Ўзбекистонда Дехқон ва Фермерлар Ассоциацияси 1998 йилда ташкил этилган, ушбу нодавлат тузилма мамлакатдаги фермерлик ривожига ҳисса қўшиши мақсадида ташкил этилгани айтилганди.

Аммо Ўзбекистондаги бошқа барча нодавлат ноижорат ташкилотлари билан бўлгани сингари Фермерлар уюшмаси ҳам давлат маъмурий орган-

ларининг қаттиқ назорати остида қолиб кетди.

Ўзбекистоннинг оммавий ахборот воситалари хабарларига қўра, Тошкентдаги “Туркистон” саройидаги фермерлар ассоциациясини фермерлар кенгашига айлантириш таъсис йиғилишида мамлакатдаги фермерларнинг аҳволига юқори баҳо берилган.

Бош вазир Шавкат Мирзиёев қатнашган йиғилишда айтилишича, Ўзбекистонда фермерлар учун давлат томонидан яратилган қулай шароит дунёнинг ҳеч қайси мамлакатиде йўқ.

Бирок Ўзбекистон давлат матбуотидан фарқли ўларок, фермерларнинг ўзлари бирор бир фаолиятларида эркин эмасликларини айтишади, бу эса мамлакатда ишсизлик кўпайишига ҳам туртки бераётган омиллардан бири деб кўрилади.

Ўзбекистон президентининг шу йил 22 октябрда имзолаган фармони-ни фермерлик уюшмасининг тузилма ўларок самарасиз бўлганининг эътирофи дейиш ҳам мумкин.

Бу фармонда фермерлар ассоциацияси билан бирга Фермер ва дехқон хўжалиқларини қўллаб-қувватлаш

жамғармасини ҳам бекор қилиш буйруғи берилган.

Ўзбекистонлик фермерлар пахта ва ғалла режасини бажаришни талаб қиладиган ҳокимлар зуғумлари остида қолганлар.

Ҳозирга пайтга келиб Ўзбекистондаги маъмурий-буйруқбозлик СССР давридагидан ҳам ошиб тушган.

Пахта режасини бажармагани учун фермерни ҳар қайси ҳоким ўзибошимчалик билан ҳақоратлаши, калтаклаши, ёнидаги милиционер ва прокурорни ишга солиб, қонунга зид ҳибсга олдириши мумкин.

Оқибатда сурхондарёлик фермер ўз жонига қасд қилгани жамоатчиликка аён бўлган.

Маҳалладошлари ва музработлик бошқа фермерларнинг айтишлари-ча, 2011 йил октябрида Музработ туманида ўтказилган пахта йиғим-теримига бағишланган мажлисда 50 ёшли Исмоил Тўраназаровни қонлик пахта топшириш режасини бажармагани учун Сурхондарё вилоят ҳокими таҳқирлаган ва у бир кеча мобайнида ҳибсга олинган.

Хўш, номи ўзгарганидан кейин Ўзбекистон фермерларининг ташкилоти фермерларни эркин қилоладими?

bbc.co.uk/uzbek

ДИКТАТОРЛИКНИНГ “ЎЗБЕК МОДЕЛИ”

Эй Ўзбегимнинг бугунда ҳаёт ёши улуғлари, муътабар отахон ва онахонлар!

Биз, миллатнинг сизга тенгдош ва замондош бир гуруҳ фуқаролари, зиммамиздаги юк, масъулият, бурч амрига кўра, Сизга, кадрли замондошларимизга (ўзимизда чиқишнинг иложи йўқлигидан УХХ сайти орқали) мурожаат қилмоқдамиз. Сиз-у, биз бир неча сиёсатларни кўрганмиз, миллат тарихининг неча бузиб-тузиб, яна бузиб ёзилишларига гувоҳмиз.

Ҳозирда Ўзбекистонда ёлғон ва ўғирлик, порахўрлик, қотилликка асосланган шундай бир сиёсат амал қилмоқдаки, бу мурғак авлодларимиз онгини аллақачон заҳарлаб бошлади. Чунки собиқлардан сарқит мафкуранинг “Ўзбек модели” ўтган асрнинг “Сталин отамиз, Соясизда ётамиз...” қабилдаги шахсга сиғиниш руҳида шакллантирилганлиги тарихдан хабардор катта авлод учун кундай равшандир.

21 аср Ватанимизда қуллик уруғларини “боғча ва мактаб далалари”га сеппи ва экишдан бошланган эди. Бу хиёнаткорона сиёсат келажакни “туғилган заҳоти”данок бўғишга қаратилганлиги айтиш кунда ўз натижаларини бермоқда. Советча манкуртликнинг диктаторча истиқболи мурғакларимиз онгидаги кўринмас ҚУРҚУВ – ўзидан кучлироққа тобеълик, ялтоқланишга мойилликда кўринмоқда.

Биз ўтган йиллар, курашлар, ижтимоий-сиёсий қарашлар, “Бирлик”, “Эрк” халқ Ҳаракатлари юзага чиққан, Миллатнинг уйғониш даври – 80-90-йиллар аччиқ-чучугини татиган, даврларни қиёсий таққослаб, тўғри хулосалар чиқаришга қодир авлод вакилларимиз. Шундоқ экан, ёшларимизни бугунги бузғунчилик сиёсатининг қурбони бўлиб кетишдан асраш, уларга Ҳақиқатни етказиш сиз-у бизнинг бурчимиздир.

У қандай Ҳақиқат экан, дейсизми?

У ўзингиз билганингиздай, ўтган асрнинг 20- йилларида Қизил империя томонидан синдирилган Миллий Мустақиллик Ҳақиқати бўлиб, 90-йилларда, иккинчи бор қад тикаётган паллада, такрор алданиб қолган Мустақиллигимиз Ҳақиқати эди. Келинлар, биргаликда 20 йил орқага назар ташлайлик.

1991 йилда Президентнинг Қуръон ва Конституцияга қўлини қўйиб, Халқи, Ватани, депутатлар олдида, Аллоҳ гувоҳлигида қасамёд қилганларини эслайлик.

Бу ҳайрон қоларлик, аламлик, фавқулодда бир ҳол эди. Ахир бу одам куни кечагина Мустақиллик учун курашда анча танилиб, халқ назарига тушган “Бирлик”, “Эрк” ҳаракатларига, Сўз ва Матбуот эркинлиги, Миллатнинг Собиқ Иттифоқ таркибидан ажралиб чиқиш талабларига тиш-тирноғи билан мутлақо қарши эди-ку.

Мана, унинг сайланиш тарихи қандай эди: Аввало, ҳаммадан кўрқинчлиси, ўша вақтларда жойлардаги мансабларнинг деярли 90 фоизи “советча кадрлар” қўлида эди.

Улар ҳали Муҳаммад Солиҳ, Отаназар Орифлар бошлиқ зиёлилар билан бир қозонда қайнашга, янгича Низом ва Программа асосида иш юритишга тайёр эмасдилар. Агар Миллий Ҳаракат Давлат тепасига чиқар бўлса, мансабдан ажралиб қолишдан қўрқардилар. Бу қўрқув сайловлар жараёнида уларни бирлаштирди. Ва кечирилмас хиёнат содир бўлди, Мустақилликка ташна халқ овози сотқинлар қўли билан сохта овозларга алмаштириб қўйилди.

Давлатнинг катта-кичик курсиларини эгаллаб олган бир гала собиқлар қўлловида Президент лавозимини эгаллаган эски Диктатор – қўй терисини ёпинган бўри ишни мунофиқликдан бошлади. Биз кекса авлод бунга гувоҳмиз. Бунинг исботи шуки, сайловда Муҳаммад Солиҳ номзодини ёқлашда жонқуярлик қилган барча Номлар аста-секинлик билан мансаблардан четлаштирилди, курашга бел боғлаганларнинг эса ҳаёти хавф остида қолди...

Шундай қилиб Диктатор мустаҳкам ўрнашиб олгач, томоша кўрсатишда, хиёнаткорликда давом этди. Ҳақ йўлдан юрганларни ўққа тутганларини, соқол қўйган йигитларни, масжидга чиққан талабаларни, авратини ёлган мастура аёлларни диний экстеримизмга алоқадорликда айблаб, шафқатсиз жазолаганлари, турмаларни бегуноҳ одамлар билан тўлдирганларини, турмалар торлик қилиб, қуш учмас жойлардан темир-бетондан қуйма турмалар қурдирганларини эслайлик.

ЎЗБЕКИСТОНДА КЎМИР НАРХИ 150 МИНГГА ЧИҚДИ

Андижон вилоятида тижорат нарҳида сотилаётган бир килограмм кўмирнинг нарҳи 700 сўмга чиқди. Бу ҳақда хабар берган Озодлик радиосига кўра, ҳукумат ваъда қилган арзон кўмир жуда чекланган миқдорда келтирилмоқда ва у билан ҳаммани таъминлашнинг имкони бўлмапти. Пахтабод туманида 500 кило кўмир 65 минг сўмдан маҳаллаларга бериляпти. Ҳатто ҳукумат тарқатадиган ҳар тонна кўмирни маҳаллалар ўзлари истаган нарҳда сотяпти, баъзи маҳалла 120 мингга, баъзилари 150 мингга, лекин бу кўмир ҳам ҳаммага эмас.

Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 23 октябрдаги 305-рақамли қарорига кўра, вилоятлар ва Тошкент шаҳри аҳолисини кўмир билан таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланган. Бироқ бу қарорнинг Андижон вилояти туманларида бажарилиши, албатта даргумон.

Қишининг эрта келиши ва хаво ҳароратининг кескин пасайиб кетиши натижасида одамлар печка ёқишга қийналмоқда.

Ўзбекистонда ўтган йилда 3,84 миллион тонна кўмир казиб олин-

Йигирма йилдирки, ўғирлик ва коррупцияга асосланган мунофиқ Диктатор давлатининг ўз халқига хиёнаткорона сиёсати айтиш кунда бутун дунёга маълум бўлгани ҳолда, ақсарият ёшларимиз тўғри ахборотдан маҳрум, тирриқчилик билан андармон бўлиб, илм-фандан узоқ, ижтимоий-сиёсий муҳит таҳлилидан ожиздирлар. Кўриниб турибдики, Давлатни ўз меросхўрига топширишни мўлжаллаган Диктатор учун халқни кўрлик ва хўрликда тутиш айтиш муддаодир.

Матбуоти ўлган, телерадиоси масхарабозлик ва раққосликдан, карнай-сурнай, чойхона ош, лўттибозлик, бошлиқларига хушомаддан ортмайдиган, қишлоқлар аҳолисининг ёзда сувсиз, соясиз, қишда чироқсиз, ўтсиз-оловсиз ўтириш-туришига маймунлар йиғлайдиган мамлакатнинг қўллари додини эшитадиган қулоқ, аҳволини кўрадиган кўз йўқлиги ҳам исбот талаб қилмайдиган маълум ҳақиқатдир.

...Ҳақиқатни авлодларга етказиш, ёзиб қолдириш, сўзлаб бериш ва ҳақ йўлга даъват қилиш иймонга ҳаловат, виждонга роҳат, охиратга хужжат-у, далолат экан, биз— бугуннинг катта авлоди бу йўлда ҳамон собитмиз. Ишонамизки, халқимиз, фарзандларимиз, муҳожиротдаги дўстларимиз бир ёқадан бош чиқариб, кураш йўлига киражақлар, эрта-индин ўз Ўзбекистонига ўзлари эга бўлажақлар ва биз ҳам уларга ҳамнафасмиз, иншааллоҳ.

Омонликда кўришгаймиз, деб кўп саломлар билан ўзбегимнинг бир гуруҳ КАТТА АВЛОД ВАКИЛЛАРИ ёздик.



ган эди. Ўзбекистон ҳукумати икки йилдан буён аҳолини кузги-қишқи мавсумда газ бўлмаслиги ва қишлаш учун олдиндан ўтин-кўмирни ғамлаб қўйиш кераклиги тўғрисида огоҳлантириб келади.

Ўзбекистон Марказий Осиёдаги газ ишлаб чиқарувчи ва уни экспорт қилувчи қудратли давлатлардан бири ҳисобланса-да, қиш остонасида газ билан ишлайдиган барча хусусий корхоналар газ тармоғидан узилиб қўйилади, аҳолига бериладиган газ ҳажми сезиларли тарзда чекланади.

Айтиш пайтда, Ўзбекистон ҳукумати Россиянинг “ГазПром”, Хитой ва Жанубий Кореянинг кўплаб ширкатларига ўзбек газини сотиш юзасидан кўплаб миллиард долларлик шартнома имзолаган.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ҲАРАКАТИ АЪЗОЛАРИГА БОСИМ!



Ўзбекистон “ЭРК” Демократик партиясининг Марказий Кенгаши аъзоси Нуриддин Жуманиёзовга 2012 йилнинг 10 ноябрь куни Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани “Суд ижрочилар бўлими” номидан “Повестка” келган.

“Чақурув қоғози”да, “Фуқаро Джуманиязов Нураддин Реимбергенович Суд ижрочилар бўлимига, 2012 йилнинг 12 ноябрь куни соати 10-00да шахсингизни тасдиқловчи ҳужжат билан Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек туманига келишингиз” сўралган.

Фуқаро Нураддин Жуманиёзов, “чақурув қоғози”да кўрсатилган манзилга, 2012 йилнинг 19 ноябрь куни соати 9-00 да М.Улуғбек туманига борган. У ерда у кишини суд ижрочилар бўлимининг ходими Беҳзод Ражабов кутиб олган.

Суд ижрочиси Б.Ражабовнинг сўзига қараганда, “Сиз 2012 йилнинг 23 сентябрь куни Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани “Жиноий ишлар бўйича суди”нинг чиқарган қарорига кўра, 7 миллион 235 минг 500 сўм миқдоридан жаримага тортилгансиз.

Шу жаримани ундириб олиш учун, ҳар ойида 361 минг 775 сўм миқдоридан нафақангиздан тўлашингиз шарт...” деб айтган.

Н.Жуманиёзов, “Менинг олиб бораётган фаолиятимни тўхтатиш мақсадида, ҳукумат томонидан менга нисбатан босим ўтказмоқдалар...” деб айтган.

Нураддин Жуманиёзовни хотини ва унинг боласи билан яшаб келаётган ижарадаги уйдан, ҲАМЗА туман маҳалла ноизири уй эгасига босим ўтказиб, “қиш мавсумига қарамай, беш кун ичида уйни бушатиб кўйиш шартини айтган”- дейди Нураддин Жуманиёзов.

Нураддин Жуманиёзов Ўзбекистон ичидаги УХХнинг фаолларидан бири ҳисобланиб, ҳозирги кунда у кишига нисбатан ҳукумат томонидан бўлаётган таъқиб ва тайзиқлар унинг фаолияти билан боғлиқдир.

Ўзбекистон Ҳукумати, УХХ фаолларининг мамлакат ичидаги ҳаракатини тўхтатиш мақсадида ҳар қандай пасткашлик йўллари билан уларнинг фаоллигини “синдириш”га уринмоқдалар.

Фахриддин Тиллаев

ДЕҲҚОН БОЗОРИДА ДАВЛАТ БОСҚИНИ

Жорий йилнинг ўтган даврида республика деҳқон бозорларида ўтказилган назорат тадбирларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ноқонуний савдоси бўйича 1919 та ҳолат аниқланиб, ҳуқуқбузарлардан 835 млн. сўмлик маҳсулотлар далилий ашё сифатида олиб қўйилди ҳамда аҳолига арзон нархларда сотилди, дея хабар беради sa-news.org

Деҳқон бозорларида озик-овқат маҳсулотлари сифатини назорат қилиш, сифатсиз маҳсулотларнинг савдога қўйилиши, сифати паст, қалбаки ва контрабанда маҳсулотларини сотилишига йўл қўймастик баҳонасида солиқ хизмати органлари томонидан доимий рейд ва талон-тарож ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, октябрь ойида Тошкент шаҳридаги “Эски Жува” деҳқон бозорида фуқаро Ф.Муродовдан 9,2 минг дона 3,2 млн. сўмлик, “Фарҳод” деҳқон бозорида фуқаро М.Халиловдан 7,2 минг дона 2,5 млн. сўмлик ва “Кўйлик” деҳқон бозорида фуқаро А.Сайсултоновдан 2,2 млн.сўмлик тухум ҳамда Самарқанд вилоятининг Нарпай туманидаги “Мирбозор” деҳқон бозорида фуқаро О.Муҳиддиновдан 2,1 тонна 3,8 млн. сўмлик гуруч маҳсулотлари олиб қўйилди.

Аниқланган “ҳуқуқбузарлик”лар бўйича 1675 нафар жисмоний шахсга 145,4 млн. сўм миқдоридан маъмурий жарима қўлланилиб,



13 та деҳқон бозорининг мансабдор шахслари, 8 нафар фуқаро ва 13 нафар яқка тартибдаги тадбиркорларга нисбатан жиноий ишлар қўзғатилган.

Жумладан, Тошкент вилояти Паркент тумани деҳқон бозори ҳудудида жорий йил октябрь ойида ўтказилган назорат тадбирида яқка тартибдаги тадбиркор Қ.Рисқибоев томонидан 1,8 тонна гўшт маҳсулотлари савдосидан тушган 27,4 млн. сўм нақд пул назорат-касса машинасига кирим қилинмаганлиги ҳамда банк муассасасига топширилмаганлиги аниқланди. Унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кўдексининг 189-моддаси 3-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, суриштирув ҳаракатлари бошлаб юборилган.

‘ЎТЮРАКЛАР КЛУБИ’: ‘ЮРИЙ ЖУКОВСКИЙ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ ОШКОР ЭТИЛСИН’

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилоти “Ўтюралар клуби” раиси Мўътабар Тожибоева таниқли имом Обидхон қори Назаров жонига суиқасд ҳаракатига алоқадор қўрилиб, Россияда ҳибсга олинган Юрий Жуковский ҳақида маълумот оммага ошкор этилишини талаб қилиб чиқди.

Мўътабар Тожибоевага кўра, 12 октябрь куни ҳибсга олинганидан бери ўтган вақт ичида Жуковский ҳақида бирон маълумот берилмаган.

Унинг айтишича, Обидхон қорига қарши суиқасдда гумон қилинаётган шахс устидан жараён ёпиқ бўлиши мумкин эмас. Чунки, давлатлараро рўй бераётган тортишувлар ва халқаро ширкатлар билан рўй бераётган ходисалар манзарасида Юрий Жуковскийдан босим ўтказиш ёда музокараларда ишга солиш мумкин бўлган восита сифатида фойдаланиш хавфи бор.

“Ўтюралар клуби” раҳбарининг тахмин қилишича, Юрий Жуковскийнинг Россияда ҳибсга олинганидан бери МТС мобил телефон ширкатининг Ўзбекистонда юз тутган муаммоларининг ижобий томонга ҳал бўлиши мумкинлиги белгилари пайдо бўлган.

Ана шу ҳолат Россия Жуковскийни Швецияга топшириш ёда топширмаслик билан Ўзбекистон томонига таъсир ўтказишга ҳаракат қилаётганлиги белгиси бўлиши мумкин, дейди Мўътабар Тожибоева.

“Ўзбекистон Жуковскийни Швецияга топширмасангиз, МТС муаммосини ҳал қилиб берамиз, деб талаб қилиши эҳтимоли бор. Шунинг учун бу жараён атрофидаги ҳамма маълумотлар ошкор бўлиши шарт”, деди ББС билан суҳбатда Мўътабар Тожибоева.

Ўзбекистон ҳукуматининг ашаддий танқидчиларидан бўлган Обидхон қори Назаров 2006 йилда Шведиядан сиёсий бошпана олганди.

2012 йил 22 феврал куни у пешин намозига чиқаётган пайти, ўз уйи йўлагидан яқин масофадан отиб кетилганди. Ушандан бери Обидхон қори Назаров шифохонда кома ҳолатида ётибди.

Кейинчалик суиқасдга алоқадорликда гумонланиб, ёшлари ўттизларда бўлган икки Ўзбекистонлик эр-хотин ҳибсга олиниб, маҳкамага тортилди. Улар суиқасдни режалашга билмасдан алоқадаор бўлиб қолганликларини даъво қилишди ва маҳкама уларни оклади.

Суиқасд амалини бажарган асосий шахс эса қочиб кетгани айтилган ва кейинчалик унинг Россияда ҳибсга олингани хабар берилди.

Россияда қўлга олинган шахс 34 ёшли Юрий Жуковский эканлиги хабар берилган. Унинг ҳам Россия ва ҳам Ўзбекистон фуқароси эканлиги айтилади.

bbc.co.uk/uzbek

ЎЗБЕКИСТОН: ЯНА 9 НАФАР ДИНДОР МАҲКУМ ЭТИЛДИ



Тошкент вилоят маҳкамаси Паркент туманида яшаб келган 9 нафар диндорларни “ноқонуний диний ташкилот тузиш” ва “жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи материалларни тарқатиш” айблари билан маҳкум этган.

Янгибозор туман жиноий ишлар бўйича маҳкамасида ўтган жараёнда ҳакам Машраб Мирзаев айбланувчилардан икки нафари- 41 ёшли Ғайрат Хусанов ҳамда 40 ёшли Шуҳрат Юнусовларга 7 йилдан қamoқ жазоси берган, 33-40 ёш орасидаги қолган 7 киши эса 3 йилдан шартли жазога ҳукм қилинган.

Мустақил Инсон ҳуқуқлари ташаббус гуруҳи тарқатган хабарда айтилишича, айбланувчилар шу йил майида ноқонуний равишда ҳибсга олинган ва тергов жараёнида қийноққа солинганлар. Уларнинг уйларида ўтказилган тинтув чоғида ҳеч қандай тақиқланган адабиёт топилмаган.

Маҳкама жараёнини кузатган инсон ҳуқуқлари фаолларига кўра, ҳакам судланувчиларнинг иқроорлик кўрсатмаси

олиш мақсадида қийноққа солинганликлари ҳақида берган кўрсатмаларини эътиборсиз қолдирган.

Инсон ҳуқуқлари ташаббус гуруҳининг ҳимоячилардан иқтибос келтиришича, жиноят иши бутунлай тўқиб чиқарилган.

Дурмонда норозилик намойиши

Янгибозор туманида маҳкамага тортилганларнинг яқинларидан бир гуруҳи шу йилнинг 9 ноябр куни Ўзбекистон Президентининг Дурмондаги қароргоҳи яқинида норозилик намойиш ўтказишган.

Президент қароргоҳи олдида ҳақиқат талаб қилиб борган Шерзод Хусанов, Тожибой Салимов ва Пайзибой Юнусовлар милиция томонидан ҳибсга олинган. У

Норасмий Ўзбекистон Мустақил инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари альянсидан Шуҳрат Рустамовнинг айтишича, маҳкамага тортилганлар Исломо ва Қуръонни ўрганган оддий намозхонлар бўлишган. Унга кўра, улар Паркент туманида намозни ўқишга бел боғлаганларни бир ерга йиғиб, китоб, дисклардан фойдаланиб, намоз ва Қуръон ўқитишни бошлашган.

Бундан хабр топган милиция ходимлари май ойида уйма-уй юриб, шубҳа остидагиларни олиб кетишган.

Намозхонлар 15 суткадан ўтириб чиққандан кейин уйларида рухсат берилади. Бироқ орадан бир-икки ҳафта ўтгандан сўнг, йигитларни яна олиб бориб, қамашади.

Яқинларининг айблов тафсилотларини сўраб, қилган мурожаатлари жавобсиз қолдирилган.

«ЎЗБЕКНИНГ ИҚРОРНОМАСИ» ВАРАҚАСИ ЭКСТРЕМИСТИК, ДЕБ ТОПИЛДИ

Россия маҳкамаси Москва жануби-шарқида номаълум шахслар томонидан тарқатилгани айтилган “Ўзбек гастарбайтерининг иқроор-номаси” деб номланган варақаларнинг маз-мунини экстремистик, деб топган.

Шу тарихи Кузьминский туман маҳкамаси прокуратуранинг сўровини қондирган. Россия матбуотининг прокуратурадан иқтибос келтиришича, шу йил майида пойтахтнинг “Выхино” тумани яшовчиларидан бири ўзининг почта қутисида варақани топиб олади ва уни полициянинг таянч пунктига олиб келиб беради.

Жануби-Шарқий административ округ прокуратураси округ ҳудудида варақаларнинг тарқатилиши юзасидан текширув бошлайди. “Ахборот-технологиялар маркази” мутахассислари варақа матнида осилликлар ва мусулмонлар, шунингдек, ҳуқуқ-тартибот ходимлари, руҳонийлар ҳамда ҳокимият вакилларига нисбатан нафрат кўзғотиш уриниши бор, деган хулосага келдилар.

Текширув натижасига мувофиқ, округ прокуратураси Кузьминский ту-

ман маҳкамасидан варақаларни экстремистик, деб топишни сўраган. Прокуратура текшируви материаллари Россия Жиноят кодексининг 282-“нафрат ёки душманлик кўзғаш” банди бўйича жиноят иши очиб борасида қарор қабул қилиш учун маҳкамага ҳам юборилгани айтилмоқда. Россия прокуратураси варақаларда айнан нималар дейилгани ҳақида маълумот бермаган.

Айни пайтда Москвада бир ўзбекнинг номаълум шахслар томонидан ўлдириб кетилган хабар қилинган. Интерфакс агентлигига кўра, 22 ноябр куни кеч соатларда Москва жанубидаги Росткино туманидаги турар-жой биносидан олдида 20 ёшли Ўзбекистон фуқаросининг жасади топилган.

Хабарларда жасада қўлаб жароҳатлар бўлгани ва қурбоннинг қулоғи кесиб олингани айтилади.

Дастлабки маълумотларга кўра, ўзбекистон-ликка ёш йигитлардан иборат бир гуруҳ ҳужум қилиб, пичок билан бир неча жойидан яралаган ва кейинроқ ҳодиса жойидан яширинган. Қотиллик юзасидан жиноят иши очилган.

КИМ АСЛИДА КИМ ЭДИ ЁХУД УНУТИЛГАН ТАРИХ



ЙЎЛНОМА

(“Озодлик” Радиоси ўзбек бўлими)

Ёзган ва ўқиган: Темура Хўжа
Очилиш: Ҳурматли тингловчилар!

Ўзбекистоннинг муҳолиф раҳбарларидан Муҳаммад Солихнинг “Йўлнома” номли туркча асари яқинда Истанбулда нашр этилди. Бундан илгари, 2000 йилда ўзбек тилида чет элларда нашр этилган “Йўлнома” бу гал турк тилидаги таржимаси билан Туркиядаги китобхонларга тақдим этиляпти. Бу китоб хали бир ҳафта илгари китобчиларда сотувга чиққанига қарамай, унинг ҳақида Турк матбуотида тақризлар ёзила бошланди. Энди, бу ҳақда Истанбулдаги касбдошимиз Темура Хўжа маълумот беради.

Овоз: Ҳурматли тингловчилар! Шоир ва сиёсий арбоб Муҳаммад Солихнинг бундан икки йил олдин ўзбек тилида ёзган “Йўлнома” номли асарини турк тилига Маҳмуд Ўзбек номли бир киши таржима қилган. Туркияда кенг танилган “Ўтуқан” номли нашриёт уйи томонидан чоп этилган “Йўлнома: Эркинлик Кураши” номли 326 бетлик китобда Муҳаммад Солихнинг 1960-1993 йиллар ўртасида Ўзбекистон ва бошқа жойларда ўз кўзи билан кўриб, жонли гувоҳ бўлгани турли сиёсий воқеалар, учрашувлар ва ўйлар ҳақида тафсилий маълумот берилмоқда.

Китобнинг орқа муқовасида “Муҳаммад Солих бугун эллик уч ёшда, унинг айтишича, бу 53 йилнинг 7 йили энаси айтиб берган ажиб афсоналар соясида ўтган. Қолган 17 йили Совет мактабларида исроф қилинган, 13 йили ижара учун уй излашга харжланган, 7 йили сиёсатга қурбон қилиниб, яна 9 йили сургунда кечган. Не гўзал тақсимо!” деб ёзилган. Китобнинг бошида Анкарадаги Ғозий Университети Туркология профессори Ахмад Эржиласуннинг “Ўша кечадан бугунгача” сарлавхали мақоласига ўрин берилган. Профессор Ахмад Эржиласун 1986 йилда Тошкентдаги бир йиғилишда Муҳаммад Солих ва бошқа ўзбек зиёлилари билан қандай танишганлиги ва ўтказган самимий суҳбатлари ҳақидаги таассуротларини китобхонга билдиради.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: боши олдинги саҳифада)

Турк олими Аҳмед Эржиласун мазкур мақоласини “Муҳаммад Солиҳ энди 50 ёшини чет элларда ўтказган пайтларида, ўз халқи учун курашини давом эттиряпти” деб, яқунлайди.

Муҳаммад Солиҳнинг бундан икки йил илгари ўзбек тилида нашр этилган “Йўлнома” китоби ҳақида олдинги суҳбатларимизнинг бирида маълумот берганлигимиз учун, энди мазкур асарнинг Туркча таржимаси устида алоҳида тўхталмаймиз. Лекин, “Йўлнома”нинг туркча таржимаси ўтган ҳафта охирида сотила бошлаганидан кейин куни-кеча “Хуррият” газетасида битта китоб тақризи чоп этилди. “Хуррият” газетаси муҳаррирларидан Ҳоди Улуэнгин “Муҳаммад Солиҳ билан” деган сарлавҳа остидаги мақоласи бошида, “Қаршимда турган одам шоир. Бироқ у шоир каби бир шоир. Қаршимда турган киши зиёли. Бироқ, у зиёли каби бир зиёли”, дея Муҳаммад Солиҳнинг ҳам шоир ҳамда зиёли томонларини газетхонга таништиради. Турк журналисти Ҳоди Улуэнгин мазкур мақоласи давомида, Муҳаммад Солиҳнинг ҳам мустақиллик ҳамда демократия борасида Ўзбекистонда олиб борган сиёсий кураши ҳақида қисқача маълумот бергандан сўнг, мақоласи охирида Туркияни Муҳаммад Солиҳга етарли эътибор бермаганликда танқид қилади. “Бундан кейинги мақолаларимда, - деб яқунлайди турк журналисти Ҳоди Улуэнгин, - Муҳаммад Солиҳнинг ўз ватанидан узокда туришининг олдини олиш учун Туркия ва биз туркларнинг нималар қилиши кераклиги тўғрисида алоҳида тўхталаман”. Ҳоди Улуэнгиннинг ёзишича, туркиялик журналистлар ва зиёлиларнинг Туркия ташқарисидаги турли туркий мамлакатлар ва у ерлардаги сиёсий ўзгаришларга кўпроқ эътибор беришлари зарур.

(29.03.2002)

ЗИНДОНДАН РЕПОРТАЖ

ББС Ўзбек хизмати

Олдин маълум қилганимиздай, ББС радиосининг ўзбекча эшиттиришлар бўлими Ўзбекистон қамқонхоналаридан репортажларини бериб бормоқда.

Қамқонхоналардан репортажнинг бу галги суҳбатдоши Ўзбекистон Исломий ҳаракатининг матбуот воизи Зайниддин Аскарлов эди.

Суҳбатларни ҳар галгидай ББС «Янги медиа» ходими Абдулҳамид Исмомил олиб боради.

Абдулҳамид Исмомил: Мана 16 феврал портлашлари гумондорлари устидан маҳкама ўтказилди. Сиз ўзингизни ва Ўзбекистон исломий ҳаракатини унинг матбуот котиби сифатида бу портлашларга алоқаси йўқ, дегандингиз бу маҳкамада. Бу айтганларингизни мана уч йил ўтгандан кейин қамқонда ўтириб ҳам айта оласизми?

Зайниддин Аскарлов: Шу гапимни ҳали ҳам такрорлайман.

Абдулҳамид Исмомил: Нима учун?

Зайниддин Аскарлов: Чунки портлашларни олдиндан билмаганмиз. Бир пайтлар Тоҳир Йўлдош, Жумабой Намангоний ва Муҳаммад Солиҳларни чет давлатларда кўрганим учун Истанбулдан ушлаб келишди. Бу портлашларга бу одамларнинг алоқаси йўқ эди. Менинг айбим йўқ эмас, айбим бор, бунга яраша жазо олдим, аммо портлашларга алоқам йўқ эди. Буни маҳкамада ҳам айтгандим, буни улар ҳам тасдиқлашганди.

Абдулҳамид Исмомил: Айбингизни нимада деб биласиз?

Зайниддин Аскарлов: Айбимни мустақил Ўзбекистон ҳукумати ва унинг раҳбари И. А. Каримовга қарши курашганликимиз бўлганларга моддий ёрдам берганман.

А. Исмомил: Мана сизлар - Ўзбекистон исломий ҳаракатидан бир гуруҳ одам қамқонда олиндингизлар. Ташкилотингиз бу билан заифландими ёки кучландими?

З. Аскарлов: Энди уч йилдан бу ёғига хабарни билмайман. Лекин ўша пайтдаги фикрларга кўра анча заифланганди. Анча кучсизланган, чунки асосий одамлари қамқонда ўтиришибди. Олдингидан анча сусайган, деб тушунаман.

А. Исмомил: Бу ерда 159-модда билан қамалганларга бошқача муносабат қилишадими ёки ҳамма қаторими?

З. Аскарлов: Муносабат деярли ҳамма қатори, баъзиларига ҳурмат-эҳтиром ҳам яхши. Баъзи кишилар ўзининг адашганлиги етмагандай, бошқаларни ҳам йўлдан уриб, пропаганда қилишади, бу ерда ана ўшаларга жазо берилади. Давлатга қарши ва ёки зонада унақабунак ишлар қиламиз, деган пропаганда ишларини олиб боришмаса, ҳеч ким биз билан иши йўқ бу ерда. Мана, мен хоҳласам, намоз ўқийман, хоҳласам, китоб ўқийман, юраман куни билан. Мана, мен Ўзбекистон исломий ҳаракатининг олди одамларидан бири эдим. Менга муносабат шунақа бўлса, бошқалар билан ҳеч кимнинг иши йўқ бу ерда. Мана бу ерда биз одамларга тушунтиряпмиз, давлатимиз динга қарши бўлганида бизни бунақа қилиб, туғиб ўтирмасди. Жазо олган кишиларни бориб сўрадик, юзга яқин киши бор бу ерда 159-модда билан қамалган, ҳаммаси қондани бузишган ёки бировларга тан жароҳати етказишган. Жазолари ўша учун берилган.

А. Исмомил: Мана бу ерда намоз ўқишга имкон борми?

З. Аскарлов: Чекланганлиги бор бу ерда. Масалан, азон чақириб, намоз ўқимаймиз, ҳар ким ўзи яқка-яқка ўқиб юраверади. Мана мен ўтирган жойимда намозимни ўқиб юрибман.

Менга нимага бунақа қиласан, деган одам йўқ бу ерда. Бу ер кўча эмаску, Жомеъга бориб, ўн минг одам билан намоз қилсак. Бу зонада ҳеч кимни шикоят қилишига ўрин йўқ, деб ўйлайман бу масалада.

А. Исмомил: Ҳизбут-Таҳрир билан муносабатларингиз қандай эди ўша пайтлари? Бу ташкилот сизларга ҳамфикрми?

З. Аскарлов: Биз улар ҳақида 1988

йилдан бошлаб, уларни китобларини ўқигандик. Бизнинг уламоларимиз Абдували қори ака ёки Раҳматуллоҳ қори ака бу ташкилотнинг тагини суриштириб, Иорданиянинг махсус хизматларига боғлиқлигини бизга айтишганди. Араб давлатларининг бошқа давлатларни мустамлақа қилиш учун қилаётган йўллари, деб бизга тушунча беришарди. Биз чет элларда бу ташкилотнинг нуфузи ҳам йўқ ва булар фақат варақа тарқатиш билан чегараланиб қолишгани учун биз эътибор ҳам бермагандик. Кейинчалик норасмий учрашувларимизда ҳам бу ташкилот билан низолар келиб чиққанди. Ҳатто Тоҳир Йўлдош бир суҳбатда, “Агар биз Ўзбекистонни оладиган бўлсак, биринчи бўлиб Ҳизбут-Таҳрир ҳаракатини йўқотамиз,” деганди.

Бу ерда ҳам уларнинг катталари билан учрашдим, исломий тушунчалар бўйича тортишиб, уларнинг нотўғри йўлда эканликларини айтиб бердим. Қўлимдан келганча уларни тўғри йўлга солишга ҳаракат қилиб келаяпман.

А. Исмомил: Раҳбарият ҳақида ва жумладан, Тоҳир Йўлдош ҳақида баъзи гаплар юради. Айтишларича, Т. Йўлдош ўз йўлига, Ж. Намангоний ўз йўлига дейишади. Уларнинг орасида бирон зиддият бормиди ёки Жуманинг Тоҳирга бўйинсуниши аниқ бир ҳолми?

З. Аскарлов: Ташкилотнинг умумий раҳбари Тоҳир Йўлдош эди. Унинг ҳарбий ишлар ёрдамчиси, ички ишлар ёрдамчиси ва вазирлари бор. Жума Намангоний курашган кучлар бўйича қўмондон ҳисобланади. Уларнинг орасида ҳеч қандай зиддият йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Агар булар зиддият қиладиган бўлсалар, улардан юқорида ўзларининг шўроси бор. Бу маслаҳатчилар керак бўлса, Тоҳир ёки Жумабойга жазо беришга тайёр одамлардир. Жумабой ўз шахсий ишларидан ўзига эркинлик берилган, аммо диний ишларда Тоҳирга бўйинсунишга мажбурдир. 16 феврал портлашлари Усома Бин Лодин ёки Тоҳирнинг маслаҳати эмас эди. Бу Чеченистондаги Ҳаттобнинг маслаҳати эди. Унинг ёнига борилиб, маслаҳат қилинган, аммо у бизлардан сўрамасдан бошлаб юборган бу ишни ва инқирозга учради бу ишлар. Бу қутилмаган бир ҳолат бўлиб қолди. Аслида, 2000 йилда бу ҳаракат Ўзбекистоннинг ҳамма томонидан кириб келиб, жанглар бошлаб юбориш панини тузиб чиққанди. Бу мақсадни 16 феврал портлашлари бузиб юборди. Мен судда ҳам айтганман бу ҳақда, яна қайтариб айтман: бу портлашларга Муҳаммад Солиҳнинг ёки Тоҳир Йўлдошнинг алоқаси йўқ. Бу тамоман Чеченистондан бошқарилган иш эди. Бу масалада сулланганлар ҳам айтишди бу тўғрида. Улар ҳатто бир-бирларини ҳам танишмайди. Бу портлашларнинг ичини чуқур ўрганишмади ва натижада “Исломий ҳаракат ва Муҳаммад Солиҳ бу ишларнинг ҳомийси” деб эълон қилинди.

(04.05. 2002)

ЖИГАР КАСАЛЛИКЛАРИ

(Давоми: Боши ўтган сонларда)

Талокнинг катталашуви

Талок инсоннинг танаси учун қанчалик муҳим бўлса, унинг маънавияти учун ҳам шунчалик муҳим аъзодир.

Талокнинг катталашуви турли касалликлар сабаб бўлиши мумкин. Кўпинча талокнинг катталашуви цирроз, қон касалликлари, турли инфекциялар ва бу касалликларни кимёвий ва синтетик дорилар воситасида даволаш туфайли юз беради.

Қадимги олимлар талокнинг касалланишига - кам чайнаш ва ҳазмсизликни; варикоз, саратон (рак), садаф (псориаз), фил касаллиги (элефантиаз), сурункали безгак, жигар, қон, асаб ва руҳ касалликларига эса – талокнинг касалланганини, сабаб килиб кўрсатишарди.

Талок касалликларини даволашга овқатланиш одатини тартибга солиб, ичакларни ишлатиб, қон олдириб ва жигарни тозалаб бўлгандан кейин киришилади ҳамда овқатни кўп чайнашга диққат қилинади.

Жигар тозалаш билан бир вақтда талок ҳам тозаланади. Ичаклардан чиққан жигарранг ёки нефт рангидаги парчалар талокнинг аҳволи яхши эмаслигини ва такроран жигарни тозалаш зарурлигини кўрсатади. Қонни тозалагандан 2 ҳафта кейин, зарур бўлса, иккинчи марта жигарни тозалаш амалга оширилади.

Эскидан табиблар талок касалликлари учун тайёрлаган дориларини доим сирка билан бирга қўллашарди. Талок касалликларига, хусусан, инфекциялар туфайли талок катталашушига қарши семизўти ва дафна баргининг жуда фойдали эканлиги аниқланган.

Шу сабабдан қуйидаги дориларни қўллаш тавсия қилинади:

4 гр янги майдаланган ёввойи семизўти уруғи + 30 гр узум сиркаси кунда бир маҳалдан 3 кун ичилади. Семизўти уруғининг ўрнига турп уруғи ёки ошқовокнинг қуритилиб, майдаланган пўсти айна тарзда истеъмол қилиниши мумкин.

10 гр дафна барги (ёки ёнғоқ барги) + 400 гр сув 3 дақиқа қайнатилиб, 30 дақиқа дамлангандан кейин сузилади ва кичик қултумлар билан кун бўйи ичилади. Бу муолажа 3 кун давомида қилинади. Семизўти уруғини қўллаб тайёрланган дори билан алмаштириб, 3 кунлик курслар давомида 3 марта такрорланади.

Янги сикилган 150 гр семизўти суви + 50 гр сув қўшилиб кунига 2-3 стакан ичилади.

Семизўти ейишни ва унинг сувини ичишни танаффусларсиз амалга ошириш керак. Янада шифоли бўлиши учун ёввойи семизўти ишлатишга ҳаракат қилиш керак.

Агар семизўтининг мавсуми бўлмаса, қарам ёки қизил лавлаги суви

ёки, мавсумига кўра, анор суви сув билан аралаштириб ичилади.

Бу сабзавотларнинг сувлари талокнинг мизожига жуда мос келгани учун талок касалликларига ва талок касалликларини келтириб чиқарувчи бошқа касалликларга қарши жуда фойдалидирлар.

Фақат оқ қарам ичакларда газ ҳосил қилса, сарсабил қарам ишлатиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Анжир, узум, анор, олма, яшил баргли сабзавот, ковок, ошқовок, қизил лавлаги, сарсабил қарам, оқ қарам, хусусан, қарам томири, исмалоқ, семизўтини таом сифатида еганда улар дори сифатида ҳам фойда берадилар.

Салатларда кўп миқдорда лимон суви, овқатларга ҳам хантал ва занжабил қўшилади. Овқатни кунига бир мартадан кўп емаслик керак.

Овқатларнинг тартиби хусусида “Цирроз” бўлимига қаранг.

Талок касалликларига ошқовокнинг ўзи ҳам, қобиғи ҳам жуда фойдали.

Ошқовокнинг қобиғи тўғралади ва қуритилиб, майда туйилинади. Кунда бир чой қошиқ ичилади.

Ошқовок қобиғи билан бирга пиширилади. Асал ва майдаланган саримсоқ билан аралаштирилиб ейилади.

Бу дориларни қўллаш давомида ҳар душанба кун 36 соатлик очлик қилинади. Бундан ташқари, ҳижрий ойларининг 13-чи, 14-чи, 15-чи кунларида саҳарлик ва ифторликда фақат сув ичиш шарти билан 3 кун очлик қилиш ва буни узоқ муддат қилиш керак.

Мавсумга ва имконга кўра, қолган дорилар ҳам қўлланилиши мумкин.

Қичитки ўти уруғи асал билан яримга-ярим аралаштирилиб, кунига бир марта оч қоринга бир ош қошиқдан ичилади. Бу муолажа 2 ҳафта давом эттирилади. Мазкур муолажа қисқа танаффуслар бериб, бир давомида шамбала билан алмаштириб қилинади.

1 чой қошиқ шамбала илик сув ва асал билан аралаштирилади, ичига 7 томчи седана томзилади ва ичилади. Икки ҳафта давомида қилинади.

Қичитки ўтини чой сифатида ёки овқат устига сепиб, ёки овқатга қўшиб, вақти-вақти билан қисқа танаффуслар қилиб, доимий равишда истеъмол қилиш керак.

Сарсабил қарам суви ёки оқ қарам суви, семизўти суви ёки қизил лавлаги суви кунига 1-2 марта стаканда ичилади. Ёки мавсумига кўра, кунига 1-2 стакан грейфрут ёки анор суви 1-2 йил давомида ичилади.

Талокдаги тикилишларни очиш хусусиятига эга бўлган занжабил ва долчин ширинлик сифатида истеъмол қилинади.

3-4 дона аччиқ бодомни ширин бодом билан ейилади. Аччиқ бодом, жигар ва талокдаги тикилишларни очади. Катталашган ва қаттиқлашган, аммо яллиғланмаган талок учун компресслар:

Эзилган оқ қарам барглари сирка билан аралаштирилади ва ёғли қоғозга сурилиб, талок устига қўйилади.

Ёки:

Қизил лавлаги сиркада қайнатилиб, эзилади ва ёғли қоғозга сурилиб, талок устига қўйилади, 3-4 соат кутилади.

Катталашган ва қаттиқлашган, яллиғланмаган талок учун компресслар:

Ёғли қоғозга асал суртилади. Асал устига майдаланган хантал уруғи сепилади ва талок устига суртилади. Кейин эса 3-4 қават матоҳ билан ёпилади ва иложи борича узоқ вақт (15-20 дақиқа) кутилади.

Ёки:

Ҳар кун ичкучурун седана майдаланади ва эски зайтун ёғининг чўкмаси билан аралаштирилиб, талок устига қўйилади. Эрталабгача кутилади. Бу компресс турли яллиғланишли шишларга қарши ҳам қўлланилиши мумкин.

Мазкур компресслар семизўтининг уруғини истеъмол қилаётганда амалга оширилса, жуда фойдали бўлади.

Талок касалликларига қарши қавардан яхшироқ ўсимлик йўқ. Қавар ёки унинг илдизи қайнатилиб, ичилади ёки қуритилган илдизи, майдаланиб, жавдар уни билан аралаштирилгандан кейин талок устига суртилади.

Фақат талок учун қаварнинг энг фойдали қисми томирининг қобиғидир. Янги қобиғи қуритилган қобиғидан кучлидир.

Анемия (Қамқонлик)

Қамқонликнинг ташқи аломатлари: тери сўлғин, тил юзаси текис бўлиб, унинг ўнқир-чўнқирлари йўқолади (витамин етишмаслиги).

Лаб четларида кичик ёриқлар пайдо бўлади, ингичка ичакларнинг беҳузурлиги ва темир етишмаслиги).

Тери қурийди ёки шўралайди (тироид гормонларининг етишмаслиги).

Қамқонликнинг сабаблари:

Қон ишлаб чиқаришда рол ўйнаган “В” гуруҳи витаминлари фақат соғлом ичакларда ишлаб чиқарилади. Витамин ва ундан ҳам зарур бўлган модда ишлаб чиқарадиган микроблар мажмуаси ҳам ичакларда яшайди. Нотўғри овқатланиш ва доимий ҳазмсизлик натижасида ошқозонда чириган овқатларнинг захарли қолдиқлари ичакларга тушади ва у ердаги табиий, фойдали микроблари ўлдиради.

Шундай қилиб, витамин ва темир етишмовчилиги ва қамқонлик бошлади.

Озиқланиш бузилиши натижасида юзага келган ҳазмсизлик, жигар ва қонда бириккан токсик ва қолдиқ моддалар аъзоларда тикилишлар ҳосил қилиб, тўқималарга салбий таъсир кўрсата бошлайди.

(“Қасалликларнинг бошланиши ва ривожланиши” ва “Гепатит” бўлимларига қаранг.)

(Давоми кейинги саҳифада)

ЖИГАР КАСАЛЛИКЛАРИ

(Давоми: Боши Олдинги саҳифада)

Ошқозондаги ҳазмсизлик ва жигарнинг токсинларни бартараф этиш хусусиятининг ожизланиши тироид безининг тўқималарига таъсир ўтказиши билан боғлиқ. Ва тироид безларида гормон ишлаб чиқариш камаёди. Гормон ишлаб чиқариш камайганда, метаболизм секинлашади. Метаболизм камайганда, кислородга бўлган эҳтиёж камаёди. Кислород эҳтиёжи камайганда, қондаги гемоглобин даражаси тушиб кетади.

Бу ҳолатда ҳазми тузатмасдан, ичакларни ва жигарни даволамадан, темир даражасини оширишга қаратилган даво зарарлидир, у янги касалликларни келтириб чиқариши мумкин.

“Анъом сураси”, 146-чи оятда ”Яхудийларга барча тирноқли ҳайвонларни ҳаром қилдик. Уларга сиз ва қўйларнинг биқинларидаги, ичакларидаги ва суяк ёғларидан ташқари, ич ёғларини ҳам ҳаром қилдик”, дейилади.

Охириги илмий изланишлар шунини кўрсатмоқда-ки, “А” қон гуруҳига мансуб бўлган кишилар мол (қизил) гўштини ҳазм этишда қийналишади ёки умуман ҳазм қила олмайди-лар. Бундай одамларнинг ошқозони гўштнинг ҳазмини таъминловчи кислотани ва ёғларнинг ҳазмини таъминловчи ферментларни шу қадар кам ишлаб чиқаради-ки, мол гўшти ва ёғларни парчалай олмайди.

Мол гўштини ва ёғларни ҳазм қилиш даражасидаги ҳазм тизимига эга бўлмаган кишиларда тироид гормони ва гемоглобин ишлаб чиқариш паст бўлиши касаллик эмас, уларнинг фитрати, яъни, табиатидир. Шундай фитратга эга бўлган холда, ёғли, гўшти ва қўшимча моддаларни таомларни кўп истеъмол қилганларнинг, яъни “А” қон гуруҳига мансуб кишиларнинг аҳоли ҳақиқатдан ҳам ёмон бўлади: улар ҳазм этишмовчилиги ёки ҳазмсизлик, қил томирларда, юракда ва юрак томирларида кўплаб тикилишлар, жигар, буйрак ва талоқда бузилишлар, гипотирозидизм ва анемия каби касалликларга дучор бўлиш хавфи остида яшаши.

“А” қон гуруҳига мансуб кишиларнинг 50%да анемия ва юқорида санаб ўтилган касалликлардан иккиси, уч ёки ҳаммаси учрайди.

(“Ёғлар” ва “Қон олдириш” бўлимларига қаранг.)

Яхудий, армени ва туркларнинг ақсарияти “А” қон гуруҳига мансуб бўлгани учун уларда анемиянинг кўп учраши ушбу касалликнинг муҳим бир хусусиятидир. Статистик маълумотларга кўра, Туркияда ва Исроилда, тахминан, 40% кишида турли даражадаги камқонлик бор.

Кир ювиш воситалари ва дориларда бўладиган кимёвий моддалар, суяк илиги хужайраларининг генетик жиҳатдан ўзини янгилаш хусусиятини, яъни RNA синтезини бузади. Жуда нозик тузилган бу хужайралар бундай кучли таъсир-



га қаршилиқ кўрсата олишмайди. Бундан ҳам оғир ҳолларда янги эритроцит ишлаб чиқариш тўхтади ва кучли анемия вужудга келади.

Бунинг сабаби, қон ишлаб чиқаришга маъсул бўлган

ферментлар юзага келган реакциялар натижасида йўқ бўлиб кетганидир.

Кир ювиш воситалари, антибиотиклар, анализгетиклар, ревматизмга қарши дорилар, аспирин, қонни суюлтирувчи дорилар ва психиатрияда қўлланиладиган кимёвий дорилар, эритроцитларнинг хужайра деворларини эритиб, уларни бартараф қилишни бошлайдилар. Эритроцитларнинг нозик хужайралари бундай кимёвий хуружга дош бера олмайди.

Қайд этилганидек, кир ювиш воситалари ва синтетик дорилар бир тарафдан, суяк илиги хужайраларининг ўзини-ўзи янгилашига тўсқинлик қилади, яъни қон ишлаб чиқариш тизимини бузади, иккинчи тарафдан, ишлаб чиқарилган қон хужайраларини бартараф қилади. Бу, ўз навбатида, биологик давомийлик ва тириклик учун катта хавфдир.

Туркияда анемия касаллиги асосан кир ювиш воситалари, аспирин ва антибиотикларни ҳалдан зиёд қўлланиш натижасида келиб чиққан.

Бундан ташқари:

Антибиотиклар ичаклардаги керакли моддалар ва қон ишлаб чиқаришда муҳим рол ўйнайдиган “В” гуруҳи витаминларини синтез қилувчи микробларни йўқ қилади ва қон ишлаб чиқаришнинг камайишига сабаб бўлади.

Аспирин, ревматизмга қарши дорилар, антидепрессант ва кир ювиш воситаларини қўлланиш натижасида юзага келган буйрак, ошқозон ва ичак каби аъзоларда томир ёрилишлари ва эндометриоз туфайли ҳосил бўладиган яширин қонашлар камқонликка сабаб бўлади.

Кортизон, шишлар, яралар ёки бавосил (геморрой) каби сабаблар туфайли ошқозон ва ичакда юзага келган қонашларни кучайтириб юбориши мумкин.

Қандай сабаб билан юзага келишидан қатъий назар, камқонлик темир этишмовчилигига, бу ўз навбатида, Окденгиз анемиясига сабаб бўлиши мумкин.

Анемия давоси осон, аммо узок давом этади:

Аспирин, ревматизмга қарши дорилар, антибиотик, тайёр таом ва кир ювиш воситаларини ишлатишни тўхтатиш;

Овқатланиш одатини ва ҳазми тўғрилаш;

Жигарни, буйракларни ва қонни тозалаш;

Тироид безини ва жинсий аъзоларни даволаш;

Томирлардаги тикилишларни хошамот билан ва томир очувчи дорилар билан эритиш, шу тарзда қон айланишини тузатиш керак.

(“Умумий тавсиялар”, “Ошқозон ва ичакларнинг давоси”, “Жигарни тозалаш”, “Буйракни тозалаш”, “Қон олдириш” бўлимларига қаранг.) Анемиянинг давоси “Юрак касалликлари” бўлимида кўрсатилган даво билан бир хил.

Камқонликка қарши қуйидагилар фойдалидир:

Қизил лавлаги салатини ейиш ва қизил лавлаги сувини ичиш, олма ейиш ва сувини ичиш, қичитқи ўти ейиш ва сувини ичиш; янги ёки табиий қуритилган қизил узум ейиш; табиий узум ва қора тут паказини (куюқ ҳолга келгунча қайнатилгани узум ёки қора тут шарбатини) ичиш (хусусан, “А” қон гуруҳига мансуб кишилар учун); кўп миқдорда кўкат ва зайтун ёғи истеъмол қилиш; темир моддасига бой бўлган сувга ювиниш ва бу сувни ичиш; эрталаб офтобнинг тагида, хусусан, ўрмонли жойларда ва денгиз бўйида кўп юриш, денгизда сузиш, яхши муомалали бўлиш ва хурсанд ҳолда юриш.

Бундан ташқари, “О”, “В” ва “АВ” қон гуруҳларига мансуб бўлган кишилар қизил гўшти кўкатлар билан бирга истеъмол қилишлари керак, бу нарса камқонликка яхши даводир.

Қуйидагилар зарарлидир:

Кир ювиш воситалари ва соч бўёқларидан фойдаланиш.

Маргарин, гидрогенлаштирилган ёғлар, доғланган ёғлар, қўшимчали тайёр таомлар ва ичимликлар, оз чайнаш; ҳаракатсизлик, кўп ейиш, кўп хафа бўлиш, асабийлашиш, хоинлик, ҳасад ва ғийбат қилиш.

Бундан ташқари, “А” қон гуруҳига мансуб бўлган кишиларнинг – мол (қизил) гўшти ейиши ва сут ичиши; “О” қон гуруҳига мансуб бўлган кишиларнинг эса – сут ичиши, жўхори ва буғдой ейиши зарарлидир.

ОЙДИН СОЛИХ

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан
(Давоми келгуси сонда)



“Эркин Юрт” интернет-газетаси
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt
Мустақил маъбааларнинг
маълумотларидан фойдаланинди.
Масъул муҳаррир
Камолiddин Иўлдош